

*«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи
«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси*

Шерали ШУҒРОДИЕВ

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР

Тошкент — 2006

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори
Наим КАРИМОВ

Ушбу китоб Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё, Қозоғистон ва Жанубий Кавказ минтақалари бўйича минтақавий ваколатхонасининг молиявий кўмаги асосида нашр этилди.

Турдиев Шерали.

Улар Германияда ўқиган эдилар. – Т.: 2006. – 256 б.

Ўтган асрнинг 20-йилларида етмишга яқин истеъдодли туркистонлик ёшларнинг Германияга ўқишга юборилиши ўша йилларнинг ижтимоий-маданий ҳаётида улкан воқеа бўлган. Фан ва ҳўжаликнинг турли соҳаларида замонавий билимлар билан қуролланган ёшларнинг юқори малакали кадрлар бўлиб қайтиши халқимиз ва мамлакатимизнинг кейинги тақдирига катта таъсир ўтказиши мумкин эди. Афсуски, Ўзбекистоннинг мустамлака тарзида қолишидан манфаатдор бўлган совет давлати дастлаб бу талабаларнинг ўқишни битирмай туриб қайтишларини талаб этди, 1937 йилнинг қонли воқеалари бошланиши билан уларни Германиянинг жосуслари ва аксилинқилобчи-миллатчи унсурлар сифатида маҳв этиб ташлади.

Таниқли адабиётшунос олим Ш.Турдиев узоқ йиллардан бери катта бир қисми 1937 йил воқеаларининг қурбони бўлган, кичик бир қисми эса қатағондан қочиб, Туркияда паноҳ топган собиқ талабаларнинг фожиали тақдирини ўрганиб келади.

Қўлингиздаги архив ҳужжатлари ва жонли хотиралар асосида ёзилган китоб мазкур талабаларнинг Германиядаги ҳаёти ва тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

Китоб ўзбек халқининг XX асрдаги тарихи билан қилиқувчи барча

китобхоналарга мўлжалланган.

20.08
A 49
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M

Ю 32832
2

© Шерали Турдиев

© “Академ - Хизмат” босмахонаси, 2006 йил.

КИРИШ

Ўтган асрнинг сўнгги ўнйиллигида бутун дунёни титратиб келган СССР тарқалиб, ўзбек халқи мустақилликка эришди. Ўзбекистон ўзини Мустақил Республика деб эълон қилган 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб дунёдаги кўплаб тараққий этган давлатлар мустақиллигимизни тан олиб, мамлакатимизда ўз элчихона, консулхона ва ваколатхоналарини оча бошладилар. Ўзбекистоннинг ҳам Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларидан ташқари, Осиё, Европа ва Америка мамлакатларида элчихоналари очилди. Бундан ташқари, Тошкентда Франция Республикаси элчихонаси қошида Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институти, Германиянинг илмий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамияти, Гёте институти, Аденауэр жамғармаси ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар иш бошладилар. Ўзбекистон билан жаҳоннинг қарийб барча мамлакатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳаларда алоқа ва ҳамкорлик ишлари ўрнатилди. Республикамиздан кўплаб ишбилармонлар, иқтисод ва тижорат мутахассислари хорижга, бу соҳадаги хорижий мутахассислар эса Ўзбекистонга келиб, ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш ишларини бошлаб юбордилар.

Шу йилларда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Республикамизда ташкил этилган «Умид» жамғармаси грантлари орқали бир қанча таланти ёш йигит ва қизларимиз Европа, Америка ва Осиёдаги энг нуфузли олий ўқув юртларига иқтисод, халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш менежменти, тоғ иши, машинасозлик, экология, дизайн, архитектура, рассомлик, мусиқа, хонандалик, журналистика ва бошқа соҳалар бўйича таҳсил олиш учун юборилди. Улар ичида «Умид»нинг дастлабки совриндорлари бўлган фарғоналик Қаҳрамон Жўрабоев, наманганлик Қудрат Нурматов, андижонлик Нозимахоним Тожиматова, бухоролик Шухрат Қўзиёев, тошкентлик Бобур Ғафуров, Мирзо Ғуломов, Ўтқир Мирсаидов АҚШнинг Пейс, Эморг, Стетсон, Браун, Индиана, Техас, самарқандлик Озода Мўминова Буюк Британиянинг Мидликс, хоразмлик Мурод Ҳамроев, тошкентлик Зафар Каримов Манчестер,

тошкентлик Алишер Раҳимов Япониянинг Хитог Цувашуи дорилфунунларига ўқишга юборилди. Бундан ташқари, Германиянинг республикамиздаги Аденаур жамғармаси йўлланмаси билан Равшан Султонов, Алишер Мирзараҳметов, Умиджон Назарқулов Ҳайдельберг, Штутгарт шаҳарларидаги олий ўқув юртларида талаба ва аспирант сифатида ўқиб қайтдилар. Улар ҳозирги вақтда республикамизнинг турли муассасаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Шунингдек, бир неча юқори малакали хорижий профессор-олимлар мамлакатимизга ташриф буюриб, турли ўқув юртлари ва илмий муассасаларда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилдилар. Биргина тарих ва туркология соҳалари бўйича кейинги йилларда Германиядан профессор Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмихел, Япониядан Хисао Комацу, Туркиядан Эсонбека Тўғон, АҚШдан Адиб Холид, Голландиядан Туреж Атабаки ва бошқалар Ўзбекистонга келиб, турли халқаро илмий конференцияларда қатнашдилар, бу ердаги ўзбек тарихчи, адабиётшунос ва тилшунос олимлари билан илмий мулоқотда бўлдилар. Жумладан, Берлин университети профессори Ингеборг Балдауф республикамизда бир неча бор бўлиб, Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида маърузалар ўқиди. Самарқанд, Бухоро дорилфунунларидаги адабиётшунос ва тилшунос олимлар билан ҳам ҳамкорликда бўлди. Унинг «XX аср ўзбек адабиётига чизгилар» номли китоби Тошкентда ўзбек тилида нашр этилди.

Айни вақтда ўзбек олимлари ҳам хорижга бориб, турли дорулфунун ва илмий-тадқиқот институтларида ишлаб қайтдилар. Биргина Германияга ўзбек адабиётшуносларидан Наим Каримов, Бегали Қосимов, Баҳодир Каримов, Робия Абдуллаева, Мухбира Жаббор ва бошқа кўлаб мутахассислар бориб, илмий анжуманларда маърузалар ўқидилар, адабий-маданий тадбирларда қатнашдилар, илмий кутубхоналарда изланишлар олиб бордилар. Масалан, 1997 йили миллий истиқлол куйчиси Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Берлин университетида «Чўлпон ва XX аср ўзбек шеърияти» мавзuida илмий анжуман

ўтказилиб, унда Наим Каримов мазкур мавзуда маъруза ўқиди. Анжуманда Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмихел, Михаил Фридрих, шунингдек, ёш немис олимаси Айфер Дурду маърузалар билан иштирок этдилар.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати бўлиб, биз бугун мустақилликка эришганимиз туфайли жаҳонга чиқишга кенг имконият топдик, жаҳон ҳам бизнинг юртимизга эмин-эркин келиб-кетадиган, биз билан алоқа қиладиган ва фикр алмашадиган бўлиб қолди. Эндиликда барча соҳалардаги хорижий алоқаларимиз тобора ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Хўш, бу борадаги аҳвол бугунги кунда шундай экан, яқин ўтмиш бўлган совет даврида у қандай эди? У даврларда ҳам Ўзбекистондан хорижга шунчалик талаба ва мутахассислар юборилганми? Агар юборилган бўлса, улар қайси юртларда бўлганлар? Уларнинг кейинги ҳаёт ва фаолиятлари, қисматлари қандай кечган? Хусусан, 20-йилларда хорижга юборилган бир гуруҳ йигит ва қизларимиз ўқишларини битириб, юртларига қайтганларми? Агар қайтган бўлсалар, совет давлати уларнинг яшаш ва ишлашлари учун қандай шароит яратиб берган?.. Бундай саволларга жавоб бериш учун яқин тарихга назар ташлаш, республикаимизнинг 20-30-йиллардаги халқаро илмий ва маданий алоқалари тарихини, айниқса, шу йилларда Германияга ўқишга юборилган талабаларимиз тақдирини ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Совет даврида бу ҳақдаги тарихий ҳақиқатни билиш мумкин бўлмаганидек, уни ўрганиш ҳам рағбатлантирилмаган. Большевиклар ҳукмронлик қилган йилларда халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилган, бинобарин, ўзбекистонлик ёшларнинг хорижий мамлакатларда таҳсил олиб келиши совет давлатининг мустамлакачилик сиёсати билан мутлақо уйғун эмас эди. Шунинг учун ҳам уларнинг кейинги тақдири фожиали бўлган.

«Одамларга, - деб ёзган эди Президент И.А.Каримов, - мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини тушунтириб, исботлаб бермоқ керак...

...Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ гоё керак, ҳақиқий тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»¹.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистоннинг хорижий дунё билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалари тарихининг совет даврини миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Биз шу ҳолни инобатга олиб, аввалги асрнинг 20-йилларида Туркистондан Германияга ўқишга юборилган йигит ва қизларимизнинг ўқиш ва иш фаолиятлари, истибдод давридаги оғир қисматлари, шу билан баробар уларнинг хорижий илмий ва маданий алоқаларимиз тарихидаги ўрни ва аҳамиятларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Шуни қайд этиш зарурки, шу вақтга қадар мазкур мавзуда профессор Ўрхон Қовунчининг «Туркия дорилфунунларида ишлаган туркистонлик илм аҳллари» (1988), Вали Қаюмхоннинг «Қийратилган қисматлар» (1992), Б.Ярашевскийнинг «Бухоро талабалари Германияда. 1922-1925» (1991) мақолалари эълон қилинган. Булар ичида Ўрхон Қовунчининг мақоласи қисқа обзор характерида бўлиб, унда Иброҳим Ёрқин, Тоҳир Чигатой, Аҳмаджон Иброҳимов, Саидалихўжа каби бир неча талабаларнинг Германияга юборилгани ва уларнинг Туркияда қолиб ишлаганлари ҳақида қисқача ахборот берилади. Вали Қаюмхон ва Б.Ярашевский мақолаларида эса талабаларнинг Германияга юборилиши ва советларнинг уларни сиёсий тазйиққа олиши тарихи бирмунча батафсил ёритилган. Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ўзида ҳам ўша йилларда Германияда ўқиб қайтган Абдуваҳоб Муродий, Солиҳ Муҳаммад, Марям Султонмуродова ва хорижда қолиб кетган профессор Тоҳир Чигатой, Аҳмаджон, Абдумажид Иброҳимовлар ҳақида каминанинг «Улар Германияда ўқиган эдилар» (1992) рисоласи ва қатор мақолалари, шунингдек, Наим Каримов, Бегали Қосимов, Холида Аҳророва, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ислон Усмоновларнинг ҳам айрим мақолалари эълон қилинди. Ушбу сатрлар муаллифи кейин ҳам мазкур мавзу устидаги изланишларини изчил давом

¹ Ислон Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – «Мулоқот» журнали, 1998. 5-сон. 16-бет.

этгириб, «Улар Германияда ўқиган эдилар» рисоласининг тўлдирилган янги нашрини босмага тайёрлади.

Ушбу китоб, кириш, хулоса ва иловалардан ташқари, тўрт қисмдан иборат. Биринчи бўлимда 20-йилларда Туркистондан Германияга юборилган талабларимизнинг ўқиш ва иш фаолиятлари, у ердаги маданий ва маърифий ишлар, чунончи, матбуотдаги иштироклари, Германиядан Ўзбекистонга қайтган ва қайтмаган талабаларимизнинг кейинги қисматлари ҳақида баҳс юритилади. Иккинчи бўлимда Германиядан Ўзбекистонга қайтган Абдуваҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Султон Матқул, Хайриниса Мажидхонова, Марям Султонмуродова ва бошқаларнинг ҳаёт ва фаолиятлари, 30-йиллардаги аччиқ қисматлари берилади. Учинчи бўлимда сафдошларининг СССРдаги фожиали тақдиридан хабар топиб, хорижда қолган Тоҳир Чигатой, Абдуваҳоб Исҳоқ, Саида Шераҳмедова ва Аҳмаджон Иброҳимовнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳикоя қилинади. Ниҳоят, тўртинчи бўлимда Ўзбекистонга қайтмаган собиқ талабалардан Аҳмаджон Иброҳимов, Тоҳир Чигатой, Абдуваҳоб Ўқтой, Саида Шераҳмедова, Иброҳим Ёрқин ва бошқаларнинг хорижий дунёдаги ҳаёт ва иш фаолиятлари, Ватан соғинчида ўтган сўнгги йиллари ёритилади. Бундан ташқари, китоб сўнггида мавзуга оид айрим муҳим хотира ва ҳужжатлар ҳам илова қилинган.

Шубҳасиз, мавзуга оид муҳим манба ва материалларнинг йўқлиги ёки муаллиф томонидан қўлга киритилмаганлиги туфайли китобда айрим нуқсон ва камчиликларнинг бўлиши табиий. Ўйлаймизки, бундай қусурлар келажакда биз ва бизнинг ишчимизни давом эттирувчи тадқиқотчилар томонидан тузатилиб ва тўлдирилиб боради.

ТУРКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАРНИНГ ГЕРМАНИЯГА ЎҚИШГА БОРИШИ

Тарихга бир назар

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олинган, бу ерларда чоризм ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда мустамлакачилик сиёсатини бошлаб юборди. Ўлкани руслаштириш, рус-тузем мактаблари ва гимназияларни очиш билан бирга миллий мактаб, маориф ва маданият ишларининг ривожланишига, маҳаллий зиёлиларнинг юқори малакали миллий кадрларни етиштириш борасидаги саъй-ҳаракатларга қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошлади. Чоризмнинг маориф ва маданият соҳасидаги мустамлакачилик сиёсатини ўз вақтида англай бошлаган тараққийпарвар зиёлилар ўлкада янги усул мактабларини очиш, маорифни жонлантириш, миллий матбуот ва театр ишларини ташкил қилишга катта эътибор бердилар. Айни пайтда малакали миллий кадрларни тайёрлаш режасини тузиб, Бухородаги «Маърифат», Тошкентдаги «Кўмак» каби хайрия жамиятлари орқали истеъдодли ёшларни Ички Россиянинг Петербург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларидаги олий мактаб ва мадрасалар билан бирга Истанбул, Коҳира каби хорижий шаҳарлардаги дорилфунунларга ўқишга юбордилар. Кейинчалик шундай талабалар орасидан Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Холид Саид, Эсон афанди Мусаев каби ёзувчи ва олимлар, Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев, Норбўтабеков каби ҳуқуқшунослар етишиб чиқди. Улар юртимизнинг янги маорифи, маданияти, илм-фанини ривожлантириш ва миллий истиқполга эришиши йўлида фаолият олиб бордилар. Шундай кишиларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1919 йил октябрида Қўқонда, гарчанд қисқа умр кўрган бўлса-да, Туркистон Мухторият ҳукумати барпо этилди.

1917 йил Россиядаги Октябрь тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган большевиклар Туркистонда ғалаба қилган бу миллий демократик давлатни ағдариб, мустамлакачилик сиёсатига асосланган совет тузумини ўрнатдилар. Туркистон республикасининг Турор Рисқулов, кейинчалик Файзулла Хўжаев сингари раҳбарлари, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Фитрат сингари маориф ва маданият фидойилари бу «қизил» мустамлакачиликдан қутулиш йўлларини излай бошладилар. Бунинг учун улар, биринчи навбатда, ўлкани феодал-хонлик ва амирлик, шунингдек, чор мустамлакачилиги даврида чуқурлашган иқтисодий ва маданий қолоқликдан қутқазиб, тараққий этган мамлакатларнинг бу соҳалардаги тажрибаларини ўрганиш ва шу орқали ватанларини секин-аста мустақилликка олиб чиқиш режасини туздилар.

Улар, биринчи навбатда, ўша даврда Ғарбий Европада энг тараққий этган мамлакат - Германия эришган ютуқ ва тажрибаларни ўрганишни зарур, деб ҳисобладилар. Бунинг учун аввало маҳаллий ёшларни Германияга, шунингдек, Шарқ ва Ғарбдаги бошқа илғор мамлакатларга юбориб, улар ёрдамида бу мамлакатларда эришилган илмий-техник ютуқ ва тажрибалар билан танишиш, шу асосда ўлкани иқтисодий ва маданий қолоқликдан қутқазиб мумкин эди. Бу фавқулодда муҳим ва мураккаб лойиҳани амалга ошириш учун эса, биринчидан, маблағ топиш, иккинчидан, истеъдодли ёш йигит ва қизларни танлаш, учинчидан, бу йигит ва қизларнинг ота-оналаридан рухсат олиш лозим эди. Туркистондан турли йўллар (ҳукумат тарафидан, «Кўмак» уюшмаси ёрдамида ёки хусусий йўллар) билан хорижга талаблар юбориб ҳаракатлари бошланди.

1921 йил 23 апрелда Тошкентда ўтказилган Ўзбек илмий комиссияси мажлисида ўзбеклардан хорижга талабалар юбориб масаласи муҳокама қилинди. Унда комиссия аъзоси А.Юнусовнинг маърузаси тингланди. А.Юнусов бу хусусда тўхталиб, шундай деди: «Ҳар қандай мамлакатнинг истиқболи кўп ҳолларда унинг манфаатига хизмат қилишга етарли даражада тайёр бўлган юқори маълумотли фаолларга боғлиқдир. Шунинг учун биз, масалан, Япониянинг Ғарбий Оврупо мамлакатларига юбориб, ўз олимлари, муҳандислари,

врачлари ва бошқаларга эга бўлганлигини кўрамиз... Туркистон Республикаси келгусида, ҳақиқатан ҳам, ўз миллий автономияси тараққиётига эришмоқчи бўлса, унда яқин келажақда ўзининг туб аҳолиси ичидан ўз олдида турган катта вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган, юқори даражадаги замонавий илмлар билан қуролланган фаолларига эга бўлиши керак.

Бу қийинчиликлардан чиқиш йўли биргина, у ҳам бўлса, Туркистон ёшларидан энг қобилиятлиларини зудлик билан хорижга юбориб, у ерлардан энг тараққий қилган ва энг қудратли бўлган ўрта ва олий таҳсил олиш имкониятини беришдир»¹.

Ўзбек илмий комиссияси А.Юнусовнинг мазкур маърузасидан сўнг Туркистон Маориф комиссарлигидан Туркистон ўзбекларидан маълумотли фаоллар асосини ташкил қиладиган энг қобилиятли ёшлардан ҳеч бўлмаса 10 нафарини хорижга ўқишга юбориш масаласини ҳукумат олдида қўйишни таклиф қилади. Шундан сўнг Туркистон Республикаси Маориф комиссарлиги коллегиясининг 1921 йил 7 майдаги мажлисида, бошқа масалалар қатори, бу масала ҳам кўрилиб, хорижга маҳаллий миллат вакилларида талабалар юборишнинг зарурлиги маъқулланади ва Комиссарлар кенгаши олдида ўзбеклардан 10, қирғизлардан 10, туркманлардан 5 нафар кишини юборишни сўраш масаласи қўйилади².

Хорижга талабалар юбориш ҳаракати кейинроқ Бухоро Халқ Совет Республикаси раҳбарлари Файзулла Хўжаев, маориф нозири Фитрат томонидан кенгроқ қўйила бошланди. Улар ҳатто бу борада Туркистон Автоном Совет Республикасига ҳам ёрдам кўрсата бошлайдилар.

Шундай қилиб, Туркистон ва Бухородан 1922 йил охирларида 70 га яқин турли ёшдаги маҳаллий ёш йигит ва қизлар Германиянинг турли шаҳарларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қишлоқ хўжалиги, текстил саноати, кимё, электротехника, кончилик, фалсафа, педагогика, тиббиёт ва бошқа муҳим соҳалар бўйича ўқишга юборилади. Булар ичида шу даврда Сайдали Хўжаев, Саттор Жаббор,

¹ Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, 34-фонд, 1-тавсиф, 735-иш, 329-бет.

² Қарағ: ўша архив, 75-фонд, 1-тавсиф, 673-иш, 88-88а-бетлар.

Аҳмад Шукрий, Аҳмаджон Иброҳимов, Хайриниса Мажидхонова, Марям Султонмуродова ва бошқалар бор эдилар¹.

Бухоро Халқ Совет Республикаси раиси Файзулла Хўжаев талабаларни Германияга олиб бориш ва ўқишга жойлаштиришни бухоролик зиёлилардан Абдувоҳид Бурҳонов ва Германиядан Бухорога келган татар зиёлиларидан Олимжон Идрисий, А.Ф.Кеменицкий ўртоқлардан иборат махсус комиссияга топширади ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини кўрсатиб беради. Бухоро мадрасаларини битирган, сўнг Германия ва Туркияда бўлиб қайтган Олимжон Идрисий Германиядаги бухоролик ва туркистонлик талабаларнинг маърифий ва маданий ишлар бўйича раҳбари этиб тайинланади. Фитрат талабаларимизни Германияда яхши ўқишга, келгусида ўз юртларига яхши мутахассис бўлиб қайтиш ва унинг истиқболи учун фидойи ватанпарвар сифатида хизмат қилишга даъват қилади. У ҳатто ўзининг Тошкентдаги собиқ талабаларидан бўлган Вали Қаюмхон ва бошқаларни Самарқандга олиб бориб, уларга Темур сағанаси олдида қасам ичдиради. Бу воқеани кейинчалик Вали Қаюмхон бундай хотирлайди: «У мени Бухорога олиб бормоқчи бўлди. Аммо у ерга боришдан олдин Буюк хоқон Амир Темурнинг Самарқанддаги сағанаси олдида тиз чўкиб, миллат тақдири учун курашаман, деб ваъда бердим. Кўзимдан ёш чиқиб кетди»².

Ўзбекистон Марказий Давлат архиви материаллари (Р47-фонд, 1-тавсиф, 29-иш; 441-иш, 51-бет; 196-иш, 117-бет; 516-иш, 27-бет; 575-иш, 25-бет; 36-фонд, 1-тавсиф, 42-иш, 156-156а-бетлар ва бошқалар) га қараганда, Бухоро ва Туркистондан Германияга ўқишга юборилган талабаларга РСФСР ташқи ишлар комиссари ўринбосари Чичерин ва бошқалар орқали доимий стипендия, моддий ва маънавий ёрдам юбориб турилган. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, эҳтиёжи, интилишлари, ғоявий-сиёсий кайфиятларидан хабардор бўлган. Хориждаги туркистонлик талабларимизга давлат стипендияларидан ташқари, уларга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви. 60-фонд. 1-тавсиф, 3275-иш, 3-5-бетлар.

² Вали Қаюмхон. Миллат тақдири учун курашаман... — «Мулоқот», 1982, 1-сон, 35-бет.

ёрдам кўрсатиш учун тузилган «Кўмак» жамиятидан ҳам хайрия маблағлари юбориб турилган. (Масалан, 1921 йили Тошкентда ташкил бўлган «Кўмак» уюшмаси аъзоларининг ўқиган маърузалари, миллий санъат усталари томонидан кўрсатилган спектакллардан тушган даромаднинг 80, улоқ пойгасидан тушган даромаднинг эса 20 фоизи юборилган.)

1921 йилда Германияга ўқишга кетган тошкентлик Абдуваҳоб Муродий «Берлиндан хат» мақоласида 1921 йилдан бери Германияда Туркистондан ёлғиз ўзи ўқиб турганлиги, агар «Кўмак» жамияти аъзолари Европага талабалар жўнатадиган бўлсалар, уларни Германияга юбориш мақсадга мувофиқ эканлиги, чунки, немисларнинг бугунги кунда илмда, маорифда бутун Европага устоз эканлиги, бундан ташқари, Германия билан советлар Россияси ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилганлигини таъкидлаб, бундай ёзган эди:

«Бир йилдирки, Оврупода яшамоқдаман. Илм-маорифда Оврупонинг биринчиси бўлган Германия дорилфунунларида бутун дунёдан, ҳатто татарлардан ўнлаб, турклардан эса минглаб талабалар бўлгани ҳолда бизнинг Туркистондан мендан бошқа талаба бўлмаслиги юрагимни парчаламоқда, бошқаларга ҳасад сезгиси уйғотмоқда эди. Сизларнинг бу хайрли муборак ташаббусингиз йиллардан бери кулмаган кўнглимни кулдирди ва руҳимга жон берди. Германияга келганимдан сўнг овруполикларни яқиндан танимоққа муваффақ бўлдим...

Немислар ўзларининг ҳисобсиз душманларини енгмоқ учун Шарқнинг уйғонмоғини истайдилар. Буқунгача Шарқ тўғрисида ёзган китоблари бутун бетарафлик билан ёзилмишдир. Фақат маорифда, илмда булар бутун Оврупода устод ҳисобланадилар. Немисларнинг олий мактабларида юзлаб америкалик, француз ва инглизларнинг бўлишини ва бу ерга муҳандис тўпламоқ учун бирмунча ҳайъатларнинг келиши менинг бу даъвоимни исбот этар.

Сўнгра бошқа Оврупо давлатларига энг яқини ҳам шудир. Шўролар ҳукуматининг Германия билан яхши алоқада бўлиши ва Германия билан шўролар Россияси орасидаги аҳдномалар ҳам яна бизни Германияга тортар, шул сабабларга кўра, Оврупога юборилатурғон талабаларни энг

аввал Германияга юборилмоғи ҳар тўғридан ақлга мувофиқдир. Бунга муваффақ бўлмоқ ҳам унча қийин эмас. Бизнинг ўз тилагимиз ва шўролар ҳукматининг бу кунги сиёсати ҳам бу фикрга тўғри келади»¹.

Абдуваҳоб Муродийнинг бу мактубидан рағбатланган тошкентлик бир гуруҳ маориф ва маданият ходимлари унинг моддий таъминоти учун қоғоз ва олтин пул, Мирзачўл деҳқонлари номидан эса қўй ва мева-чева юборадилар. Жумладан, жадид зиёлиларидан Саидносир Миржалилов 20 000 сўм, Чўлпон 7 500 сўм юборадилар, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Шокиржон Раҳимийлар ҳам алоҳида ҳиммат кўрсатадилар. Бундан ташқари, Тошкент маърифатпарварлари 2 декабрда адабий кеча уюштириб, ундан тушган соф фойдани (75 000 сўм) «тегишли йўллар билан» Абдуваҳоб Муродийга етказадилар².

Орадан икки йил ўтгач, «Туркистон» газетасида Германияда ўқиган туркистонлик талабалардан Саттор Жабборнинг Эртой тахаллуси билан ёзган мақоласи эълон қилинади. Саттор Жаббор ўз мақоласида Германиянинг ҳақиқатан ҳам Европада илм-фан тараққиётида олдинда эканлиги, буни у ерга бориб ўқиётган бухоролик ва туркистонлик талабаларнинг ҳаммаси ўз кўзлари билан кўрганликлари, уларнинг ҳаммаси ҳам Германияда немислар томонидан ниҳоятда яхши кутиб олинганлиги, немисларнинг ҳақиқатан ҳам Туркистоннинг уйғониб келаётганлигини олқиш билан қарши олганлиги ва уларга самимий ёрдам кўрсатаётганликларини фахр билан тилга олиб, бундай давом этади:

«Биз 22-йилнинг сўнгги ойларида Германияга келгач, буюк Туркистонни талаб, ёндириб, эзиб келган рус монархистлари, Петровский Оврупога юбориш учун талаба тополмаган вақтларини эсларига олмасдан, сартлар Оврупода нима қиладир? - деган истехзолар билан матбуотларида қичқирашиб ўтган эдилар. Рус миллатчиларининг бу совуқ ва қўпол қарашларига қарши германлар томонидан яхши кутиб олинди. Матбуот: «Туркистон уйғонди, уйғонди!» каби ундовлар билан қизғин

¹ Абдуваҳоб Мурод. Берлиндан хат. - «Қизил байроқ» газетаси, 1922, 29 июль, 1 август.

² Қарағ. «Туркистон» газетаси, 1922, 18 декабрь

мақолалар ёзиб ўтди. Ҳар қандай немис бизни оиласига қўшиб олиш учун эшикларини очиб қўйди. Оддий муаллимидан тортиб, доктори, профессори тил ўрганишимиз учун қўлидан келган ёрдамини аямади.

Германлар дунёни севганлари каби, Туркистонга ҳам жуда қизиққанлардан эканлар. Кўзимиз билан кўрганимиз учун бу ерда очiq айтишимиз керакки, улар мамлакатимизни, тарихимизни, истиқболимизни бир туркистонликдан ортиқ биладурлар. танийдурлар. Юртимиз тўғрисида биз учун энг муҳим бўлган китоблар ёзиб, бошқа тиллардан ҳам таржима қилғонлар...»¹, деб ёзади.

20-йилларнинг бошларида Германияга ўқишга борган талабаларимизнинг ҳаммаси ҳам у ерда ўз ватанларининг умид ва ишончларини оқлашга, немис ёшлари ва дунёнинг турли бурчакларидан келган талабалар билан аралашиб, немисларнинг тили, урф-одати, тарихи, маданияти, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини чуқур ўрганиш билан бирга улар ўртасида ўз миллий маданияти ва санъати ҳақида тасаввур уйғотишга ҳам ҳаракат қилдилар. Улар немислар ўртасида «Шарқ кечалари»ни ўтказиб, миллий ашула ва рақсларимизни тарғиб ва ташвиш қилиб бордилар. Талабаларимиз Берлиндаги «Озод Шарқ» нашриётида Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» (1923) драмаси билан С.Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида» (1924) китобини, шунингдек, ўзларининг «Кўмак» (1923) илмий, адабий ва ижтимоий журналининг нашр қилдилар. Ушбу журнал саҳифаларида талабалардан С.Усмоннинг «Осиёнинг оқ ўғли», Аҳмад Шукрийнинг «Турк адабиётида идеализм ва реализм», «Чўлпон — Чўлпондир», Аҳмаджон Иброҳимовнинг «Техника ва биз» каби муҳим ижтимоий-сиёсий ва илмий-тарихий мавзудаги мақолалари босилди.

Бу жиҳатдан Германиядаги Берлин олий техника мактабида ўқиб турган тошкентлик ўзбек йигити Аҳмаджон Иброҳимовнинг «Техника ва биз» номли мақоласи, айниқса, характерлидир. Аҳмаджон Иброҳимов мазкур мақоласида маданий миллатларнинг тараққийсига сабаб бўлган барча нарсалар, уларда олий малакали миллий доктор, муҳандис,

¹ Эртэй. Германияда Ўрта Осиё талабаларининг 2 йили, - «Туркистон газетаси, 1924 йил 2 сентябрь»

агрономларнинг кўплаб бўлиши, Туркистон каби маъдан ва ўсимликларга бой бўлган ўлканинг бугунги оғир иқтисодий аҳволининг асосий сабаби эса бу ерда замонавий ускуналар билан жиҳозланган завод ва фабрикаларнинг камлиги, уларни юритувчи малакали миллий кадрларнинг етишмаслигидир, деб кўрсатди. Бу аҳволдан қутулиш, Туркистонни иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтириш, шунингдек, ишсизликни тугатишнинг бирдан-бир йўли миллий ёшларни энг тараққий этган мамлакатларга юбориб ўқитишдир, - деган фикрни илгари сурди. Аҳмаджон Иброҳимовнинг бу фикри моҳият-эътибори билан М.Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпон каби Туркистон тараққийпарвар жадидларининг ўлкани феодал-иқтисодий қолоқлик ва мустамлакачилик зулмидан қутқизиш учун, маҳаллий миллат болаларини Осиё ва Европанинг тараққий этган мамлакатларига ўқиш ва савдо-саноат ишларини ўрганиш учун юбориш ҳақидаги фикрларининг мантиқий давоми ва ривожидир.

Лекин шу билан бирга Германияга талабалар юбориш, уларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш масаласида Файзулла Хўжаев, Фитрат, Турор Рисқулов сингари давлат ва жамоат арбобларидан бошқа раҳбарлар четда турдилар. Айниқса, Туркистондаги европалик айрим раҳбарлар ва улар таъсиридаги унсурлар талабаларни Германияга юбориш масаласига қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Шу йилларда Бухородаги раҳбар идораларда ишлаган Муинжон Аминовнинг 1938 йилда НКВД терговчиларига берган кўргазмасига қараганда, ҳатто В.В.Куйбишев 1922 йилдаёқ Бухоро раҳбарларидан Германияга юборилган ёшларни қайтариб, уларни Москвада ўқитишни қатъий талаб қилган ва Файзулла Хўжаев бунга кескин норозилик билдирган¹.

Шундан кейин бирор йиллар ўтар-ўтмас, Москвадаги коммунистик мактабларда ўқиб, уларнинг қутқуси билан заҳарлана бошлаган Абдулла Қамчинбек бухоролик ва туркистонлик ёшларнинг Германияда ўқишларига қарши чиқиб, бу совет фани ва мактабларини менсимаслик, буржуа ғоялари таъсирига берилиш, деб қуйидагиларни ёзди:

¹ Бу ҳақда қарин: Муртазоев Жумабекмурод, Соҳибия Худийберди. Фитратга қарши фитна, - «Жаҳон адабиёти», журналі, 1997. 3-сон, 180-бет.

«Ички Русияга юборилган ўқувчиларимиздан бошқа Берлинда ҳам бирмунча ўқувчиларимиз борлиги маълумдир. Кейинги вақтларда Фарғонадан келган ишончли хабарларга қараганда, келгуси ўқиш мавсуми Русиядан ташқари элларга (заграницага) ўқувчилар юборишлик йўлларида ҳаракатлар бошлангандир...

Бу ҳаракатда бўлғуси ўртоқларимиз Русиянинг бугунги энг яхши йўлга қўйилган ва ҳар кимга тушунарли ўрта ва олий мактабларни кўзлари кўрмайин, заграницадаги буржуазия оқсуяклари руҳи, буржуазия идеологияси билан тарбия қиладурган мактабларни кўрадурлар»¹.

Шундан сўнг 1923 йил охирларида Туркистон Автоном Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Турор Рискўлов Германияда бўлиб, у ерда ўқиётган бухоролик ва туркистонлик талабларнинг ҳақиқий аҳволидан хабардор бўлиб қайтади. У Туркистондаги баъзи бир рус большевик раҳбарлари ва улар таъсиридаги маҳаллий манқуртларнинг ҳар хил шубҳа ва гумонларининг ўринсизлиги ва бошқа масалаларга тўхтаб, бундай дейди:

«Туркистон ўқувчилари 11 та, Бухоро ўқувчилари 47 кишидир. Туркистонликларнинг 7 таси ўзбек, 4 таси қozoқдир. Туркистон ўқувчилари ўз вазифаларини яхши тушунадилар, ундан кейин юртларига қайтиб, ўз халқ ва ҳукуматига фойда келтириш ҳаракати бор. Бухороликлардан ўзбеклар 35, татарлар саккиз (буларнинг 4 таси қиз), туркманлар 5, яҳудийлар 1 киши.

Немис тилини тезроқ ўрганиш учун бутун ўқувчилар оилаларга жойлашганлар...

Рус сиёсий қочоқлари билан муомалада бўлинмасалар ҳам, Шарқ сиёсий қочоқлари (турклар, татарлар ва бошқалар билан) учрашганлар, бироқ уларнинг бизларнинг ўқувчиларга бирор таъсири тегмаган»².

Шунга қарамасдан, 1924 йилда Германияга борган Ўрта Осиё давлат университети ректори Мейерсон у ердаги Бухоро Халқ Республикасидан Германияга ўқишга юборилган талабалар билан учрашиб, уларни сиёсий томондан

¹ Қаранг: «Фарғона» газетаси, 1923. 8 июнь.

² Рискўлов Турор. Германиядаги ўқувчиларимиз, - «Туркистон» газетаси, 1923, 19 декабрь.

галвирдан ўтказди, СССРга қайтгач, уларнинг раҳбари Олимжон Идрисий талабаларнинг тарбияси ҳақида ҳукуматга шундай фикрларни таклиф қилади:

«В пределах порученных ему обязанностей гр. Идрисий проявил много энергии в смысле устройства учащихся в школах и предприятиях, для чего им использованы имеющиеся у него связи в Германии и знание местных условий, но в качестве политического руководителя он совершенно не подходит, к тому же он не претендует на это. На случай оставления всех учащихся в Германии, следовало бы командировать из Бухары товарища, достаточно ответственного и политически подготовленного в качестве политического руководителя. В случае же утверждения своего предложения об оставлении только 16-20 человек в Германии, можно упразднить весь аппарат делегации, образовать комиссию из 3-х наиболее сознательных студентов ежемесячного разассигнования стипендии...

Полпредство согласно открыть у себя текущий счет в Бухпредставительстве и выдавать ежемесячно необходимую сумму указанной комиссии»¹.

Г.Мейерсон кейинчалик Германияга яна боради ҳамда бухоролик ва туркистонлик талабаларнинг ўқишларини у ерда эмас, СССРда давом эттиришлари кераклиги, акс ҳолда уларга Ўзбекистон Республикаси томонидан бериладиган стипендия ва ҳар қандай ёрдамнинг дарҳол тўхтатилажаги, бу унинг шахсий фикри бўлмай, Ўзбекистон ҳукуматининг голшириғи эканлигини айтади. Бунга жавобан Берлин университети фалсафа факультети талабаси Аҳмад Шукрий норозилик намоиши сифатида унга қарши ҳавога қараб ўқ узади. Ўқ овозидан қўрққан Мейерсон шошилишча равишда Москвага қайтиб, хорижда ўқиётган талабаларнинг буржуазия гоялари таъсирида советларга қарши руҳда тарбия топаётганлиги ҳақида сохта чақувномалар ёзади.

Г.Мейерсоннинг чақувномалари ва Москванинг Германияда ўқиётган талабаларни СССРга қайтариш билан боғлиқ сиёсий хийла-найрангларига қарши Ўзбекистон маорифи раҳбарлари Германия маорифи раҳбарлари билан учрашиб, ҳар икки мамлакат ўртасида тузилган аввалги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девон

шартномани узоқ муддатга чўзиш учун ҳаракат қиладилар. Бу жиҳатдан 1925 йил 30 июлда Германия фан, санъат ва халқ маорифи вазири номига Идрисий томонидан ёзилган қуйидаги мактуб, айниқса, характерлидир:

«Господину министру науки, искусства и народного образования

По поводу Бухарских учеников в гос. учебных учреждений в городе Кёслин...

Работа с узбекскими учениками идёт в полном разгаре. Молодые ребята очень хорошо подружались с немецкими ребятами. Из-за политических причин было бы очень жаль, если узбекские ученики оставят ваши учебные заведения и продолжат по принуждению свою учебу в Москве. Я нашёл возможность побеседовать с молодёжью из Узбекистана, которые учатся в различных университетах Берлина, спросил у них обоих отношение к изложенным обстоятельствам. Везде встретил глубокое уважение к Германии и это соответствует надеждам, что связи между Германией и Узбекистаном будут развиваться впредь ещё в более широком масштабе, и влияние Москвы в настоящее время не будет возможным. В Берлинских должностных учреждениях узбекам также оказывается поддержка. Председатель делегации попросил меня о заключение договора на долгий срок, затрагивающий пребывание узбекских учеников в государственных учебных заведениях. Тем самым можно было бы противостоять негативным намерениям советского комиссара Мейерсона»¹.

Лекин шунга қарамасдан, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб СССРда Германияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларга нисбатан сиёсий таъқиб ва шубҳа компанияси тобора кучайиб боради. Натижада 1927 йили ёзги таътил кунларида Ўзбекистонга келган Солиҳ Муҳаммад, Насриддин Шераҳмад ўғлининг Германияга қайтиб боришларига рухсат берилмайди. Бунга чидай олмаган Насриддин Шераҳмад ўғли ҳатто ўзининг жонига қасд қилади ва тасодифан ўлмай қолади. Большевик бузғунчилар бу билангина кифояланмай, ҳатто хориждаги талабаларимиз

¹ Берлинский отдел по иностранным делам. Том I. VIBIV 1992.25. № 54. Узбекистан. Политический архив иностранного отдела. Счет 63052. Стр. 172-174. (Пер. Мухбири Джаббар). Мазкур ҳужжат 1968 йил 6 январда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси масъул ходими Собир Сайдов ёрдамида олинди. Муаллиф бунинг учун Собир Сайдовга миннатдорчилик билдиради.

ўртасида айғоқчилик ишларини авж олдирадилар. Жумладан, СССРнинг Германиядаги элчихонаси ходими Михальский 20-йиллар охирида Берлинда ўқиётган талабалардан бири Афзал Абдусайдни элчихонага чақириб, ундан Ўзбекистондаги «Миллий истиқлол» ташкилоти билан бу ерда ўқиётган талабаларнинг алоқаси ва бошқалар ҳақида хабар бериб туришни таклиф қилган, агар шундай қилса, унга элчихонадан қўшимча пул бериб туришга ваъда берган. Лекин Афзални ёлламоқчи бўлган Михальскийнинг кирдикори фош бўлиб, у Москвага қайтиб кетган¹.

Германияда ўқиган талабаларга қарши бошланган компания бу билан тугамайди. 20-йилларнинг бошларида биринчи бўлиб Германияга ўқишга борган ва 1927 йилнинг охирларида Берлин қишлоқ хўжалиги академиясини битириб Ўзбекистонга қайтган ва ҳозирда Шредер номи билан аталган Боғдорчилик илмий-текшириш институтида директор ўринбосари бўлиб ишлаб турган Абдуваҳоб Муродий 1930 йил 25 апрелда Давлат Сиёсий Бошқармасининг Ўрта Осиё томонидан «Миллий истиқлол» ташкилотининг аъзоси сифатида ҳибсга олинади.

Марҳум маориф ходими Рукниддин Муҳамедовнинг ҳикоя қилишича, Абдуваҳоб Муродий асли тошкентлик бўлиб, тахминан 1897-1898 йилларда Эгарчи маҳалласида туғилган.

«Мен, - деган эди у, - 1916-1917 йилларда Тошкентдаги «Ҳаёт» мактабида ўқиб юрган чоғларимда Абдуваҳоб Муродий шу мактабнинг қуйи синфларида муаллимлик қиларди. Кейинчалик эшитишимизга қараганда, у 1921 йил бошларида Туркистондаги афғон ваколатхонаси орқали Германияга ўқишга кетган ва Тошкентда ташкил бўлган «Кўмак» уюшмаси аъзолари ва у ердаги баъзи бир тараққийпарвар зиёлиларнинг кўмагида ўқиган. У 1927 йилда Берлиндаги зироат академиясини битириб келди. Шу вақтда унинг Марта исмли немис хотини ва Марям деган 2 ёшли қизи бор эди. Тоғалари унга Баланд масжиддан бир уй олиб беришган эди. Кейинчалик Эшонхўжа тоғам 12-13 ёшли қизлари Хайринисани ҳам немис тилини ўргансин, деб улар тарбиясига бердилар.

¹ Бу ҳақда қарамиз: Пулингизни ҳам бериб турамыз. - «Ёш Туркистон» (Берлин), 1930, 7-сон.

Абдуваҳоб Муродий ўта маданиятли, маърифатли, Фарб ва Шарқ тилларини яхши билар, ёшларни Европанинг илғор илм-фани сирларини ўрганишга рағбатлантириб борарди. Унинг немис хотини Марта бўлса, ўзбек урф-одатлари ва тилларини яхшигина ўрганиб, қариндошлари билан ўзбекча гаплашарди. Абдуваҳоб Муродий дастлаб Ўрта Осиё Давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультетида рус ва қozoқ аспирантларидан Мухтор Авезов, А.Н.Боровковлар билан бир даврда ўқитувчилик қилди. Кейинчалик Шредер номли Боғдорчилик илмий-текшириш институтида илмий ишлар бўйича ўринбосар бўлиб ишлай бошлади. Лекин негадир бу ерда унга нисбатан ғоявий-сиёсий таъқиблар бўлди. Шундан кейин бир-икки йил ўтар-ўтмас, Абдуваҳоб Муродийнинг сиёсий айблар билан қамалганлиги, немис хотинининг эса эрини оқлаш иложини топа олмай, 1932-1933 йилларда ёш қизини олиб Германияга қайтиб кетганлигини эшитдик. Шундан кейин Абдуваҳоб Муродийнинг ҳаёти ва тақдири қаерда, қандай кечганлигини билмай келмоқдамиз. Бунинг устига, Абдуваҳоб Муродийга узоқ қариндош бўлганлигимданми ё бошқа сабабданми менинг ўзим ҳам 1932 йили сабабсиз қамалдим ва кўп сарсон-саргардонликларни бошдан кечириб, ҳатто пенсияга чиққунимга қадар Тошкентга қайтолмай, республикамизнинг узоқ қишлоқларида яширинча ўқитувчилик қилиб яшашга мажбур бўлдим».

Шунинг оқибати бўлса керакки, 30-йилларнинг бошларида шу каби совуқ хабарларни эшитган Аҳмаджон Иброҳимов, Афзал Абдусаид, Тоғир Чигатой, Иброҳим Ёрқин, Абдуваҳоб Исҳоқ, Саида Шераҳмад қизи ва бошқа бир гуруҳ талабаларимиз хориждан СССРга қайтмай, Германияда қолиб кетдилар. Кейинчалик Германияда фашистлар ҳокимият тепасига келгач, улар Туркиянинг Истанбул, Анқара шаҳарларига кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Ва у ерлардаги турли дорилфунун, коллежларда ишлаб, физика, кимё, зироат ва тиббиёт, социология ва фалсафа соҳалари бўйича етук фан докторлари, профессорлар ва муаллимлар бўлиб ишладилар; у ердаги талабалар ва аспирантларга дарс бердилар, муҳим илмий асарлар яратдилар, шогирдлар тайёрладилар; уларнинг баъзилари,

масалан, Саида Шераҳмад қизи, Иброҳим Ёрқин ва бошқалар ҳатто 90-йилларнинг бошларигача яшаб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, оламдан ўтдилар.

20-йиллар охири - 30-йилларнинг бошларида Германиядан ўқишларини битириб, Ўзбекистонга қайтган Саттор Жаббор, Тўлаган Мўмин, Муҳаммад Хўжаев, Султон Матқул, Азимбек Беримжон, Рауф Расулий, Хайриниса Мажидхонова, Марям Султонмуродова ва бошқалар Германияда эришган илғор билим ва тажрибаларини бу ерда ишга солиб, республикамизнинг тараққиёти йўлида фидокорона ишладилар. Лекин, афсуски, 1937 йилда собиқ СССРда бошланган «ватан хоинлари»ни фош қилиш васвасаси остида Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Фитрат, Чўлпон сингари давлат ва маданият арбоблари каби Германияда ўқиб, ватанларига қайтган мазкур йигит ва қизларимиз ҳам советларга қарши аллақандай аксилинқилобчилик ва миллатчилик ташкилотининг аъзолари сифатида айбландилар. Улар ўзларига қўйилган бундай асоссиз айб ва туҳматларни қандай мантиқий далил ва фактлар билан рад этишга уринмасинлар, узоқ давом этган руҳий ва жисмоний қийноқлардан сўнг ўзларига қўйилган айбларни тан олишга мажбур бўлдилар. Уларнинг деярлик ҳаммаси 1938 йилнинг 4-9 октябрь кунларида ваҳшийларча отиб ўлдирилди.

Худди шундай туҳматга учраганлар орасида Европага бориб ўқиш у ёқда турсин, ҳатто Ўзбекистоннинг ўзидаги янги мактабларга қатнашининг ўзи ҳам хавфли бўлган Хайриниса Мажидхонова сингари ўзбек қизлари бўлганки, уларнинг 1922 йилда Германияга биринчилардан бўлиб ўқишга бориши чин маънода қаҳрамонлик эди. Совет давлати эндигина «тўрт девор»ни ҳатлаб ўтиб, замонавий билим олмоқчи бўлган шундай беозор ва бегуноҳ ўзбек қизларини ҳам ўн гулидан бир гули очилмаган вақтида шармандаларча отиб ташлади.

«Маджиди (она же Мажидханова) Хайриниса, — дейилади у ҳақдаги ўша машъум ҳукмда, — 1905 г.рождения, уроженка г.Ташкента, с 1922 г. по 1928 находилась на учебе в Германии. До ареста работавшая врачом дома отдыха ЦК

союза работников начальных и средних школ, Маджиди была арестована бывшим НКВД УзССР в сентябре 1937 года за участие в националистической шпионской организации «Озод Туркистон», по заданию которой в 1928 г. прибыла для шпионской работы в СССР, и, находясь в Ташкенте, связалась с резидентом германской разведки профессором Энгляндом...

На заседании Выездной сессии Военной коллегии Верховного Суда СССР, состоявшегося 9 октября 1938 года, Маджиди виновной себя признавала в том, что находясь в Германии, она несознательно была втянута в антисоветскую националистическую организацию, также несознательно встречалась с Чокаем Мустафой, но шпионажем не занималась, а показания её изобличителей - Ширахмедова, Султана Маткула, Джаббара и других считала ложными. Указанной сессией Маджиди была приговорена к ВМН - расстрелу. Приговор в исполнение приведён¹.

Шундай қилиб, 30-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда бошланган сталинча қонли террор оқибатида Германиядан ўқиб қайтган мазкур талабалар немис-фашист жосуслари, ватан хонилари каби сохта айблар билан бегуноҳ қатли ом қилиб юборилди. Шу билан уларнинг республикамиз иқтисоди, хўжалиги, илм-фани ва маданиятининг тараққиёти йўлида олиб бораётган фидокорона ишлари барбод этилди, улар номини тилга олишга ҳам йўл қўйилмади, ҳатто уларнинг авлод-аждодлари ҳам узоқ таъқиб ва тазйиқдан қутула олмадилар. Туркия ва Германияда қолиб кетган талабаларга ҳам ватан хонилари сифатида муносабатда бўлинди.

Фақат Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейингина Германияда ўқиб, у ердан қайтмаган ёки қайтиб 30-йилларда репрессияга учраган ватандошларимиз ҳам, уларнинг республикамиз ташқарисидаги авлод-аждодлари ҳам тамомила оқланиб, рўшнолик кўра бошладилар.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида фақат Германия билангина эмас, балки АҚШ, Франция, Англия, Россия,

¹ Бу ва бундан кейинги ҳаволали маълумотлар Ўзбекистон Миллий ҳавфсизлик хизмати архивидан олинган.

Хинтой, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан ҳам мустаҳкам ва ўзаро манфаатли иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ўрнатди. 90-йилларда Республика Президенти ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармасининг фаолияти давомида юзлаб истеъдодли ёшларимиз жаҳоннинг қарийб барча тараққий этган мамлакатларига ўқишга юборилди. Хорижда ўқиган талабаларимизни аввалги совет тоталитар тузуми давридаги каби шубҳа ва таъқиб эмас, истиқболли келажак қучоқ очиб кутиб олди.

Ёш авлоднинг замонавий фан ва техникани эгаллаши масаласи ҳозир ҳам республика раҳбариятининг диққат марказида турибди ва бу соҳада мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Шу нарса қувонарлики, мамлакатимиздаги истеъдодли ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб шаклланишига хорижий муассасалар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Кейинги йилларда биргина Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ёрдамида Ҳайдельберг университетида Равшан Султонов, Алишер Мирзааҳмедов, Штутгарт шаҳридаги Хойенхайн университетида эса Умиджон Назарқулов каби талаба ва докторантлар машҳур немис профессорлари қўлида муваффақият билан ўқиб қайтдилар. Улар мазкур ўқув муассасалари ёрдамида 20-30-йилларда Германияда ўқиб, сўнг Ўзбекистонга қайтган ва қайтмаган ўтмишдошлари бошлаган эзгу ишларни янги тарихий шаронгта давом эттириб, ўзбек фани ва маданиятининг, умуман, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиёти йўлида фаолият олиб бормоқдалар.

Германияда ўқиган талабаларнинг хорижий ўзбек матбуотидаги фаолияти

20-йилларнинг бошларида Бухоро ва Туркистондан Германияга ўқишга юборилган талабалар 1923 йилда ўзларининг «Кўмак» номли илмий-адабий журналларини нашр этдилар ва журнал саҳифаларида илмий-публицистик мақолалар, шеърлар билан қатнашдилар. 20-йилларнинг охирларига келиб, уларнинг кўпчилиги ўқишни битириб Ўзбекистонга қайтди ва ўз ватанларида тоталитар тузум

шароитида ишлай бошлади. Уларнинг бир қисми эса Ўзбекистонга қайтмай, Германияда қолиб кетди, Истанбул, Анқара, Берлин, Парижда яшаб, Туркистон миллий истиқлолчилик ҳаракатининг хориждаги раҳбарлари Мустафо Чўқаев, Усмонхўжа ўғли, Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва бошқалар билан алоқада бўлди ва хорижий матбуотда Ўрта Осиё халқларининг тарихи, маданияти ва мустамлакачилик давридаги ҳаёти тўғрисида мақолалар ёзди. Улар бундай ишлар билангина қаноатланмай, Туркистоннинг истиқлоли йўлида кураш олиб борувчи махсус журнал чиқаришни режалаштирдилар.

Мустафо Чўқаев 1929 йил декабрида Польшадаги совет мустамлакаси халқларининг истиқлол йўлидаги курашини қўллаб-қувватловчи «Прометей» ташкилоти ёрдамида Парижда ўзбек тилида «Ёш Туркистон» журналининг биринчи сонини нашр этди. Журналда муҳаррир Мустафо Чўқаев билан бирга Германияда ўқиб, Ўзбекистонга қайтмаган Тоҳир Чигатой, Ўктой, Аҳмад Наим каби собиқ талабалар ўз мақола ва шеърлари билан фаол қатнашдилар ва Туркистоннинг ўтмиш тарихи, ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, советларнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилувчи асарларини мунтазам равишда эълон қилиб бордилар.

Биз қуйида шу ҳар икки журналда иштирок этган собиқ талабаларнинг фаолияти ҳақида фикр юритамиз.

* * *

«Кўмак» журнали 1923 йилда Берлинда «Кўмак» уюшмасининг раҳбари, Германияга ўқишга борган Саидалихўжа муҳаррирлигида нашр этилган. Асосий муаллифлар Туркистон ва Бухородан Германияга ўқишга борган талабалар бўлиб, улар ўз олдиларига қўйган асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда журнал фаолиятида шеър ва мақолалари билан иштирок этганлар. Журналнинг биринчи сонидан берилган «Тилагимиз» номли бош мақола, айниқса, характерли бўлиб, унда Германияда ўқиётган талабаларнинг Европа илм-фанларига самимий муносабати, юксак орзу ва умидлари, интилишлари, она-

ватанлари ва халқларига бўлган қизгин меҳр-муҳаббатлари акс этган. Унда, жумладан, бундай сатрлар бор:

«Ёруғликка севиниб, интилиб чиқаётган Туркистон шунча илмий кишисизлигига қармасдан, келгусининг буюк умидлари учун бизни Оврупога юборди. Чиндан-да Туркистон чалаликни истамади, бутунликни истади, жуда яхши қилди. Биз Оврупода йилларча қолиб ўқиган замонамизда севикли Туркистонимизга хизмат қилувдан маҳрум бўлиб қолувни истамаймиз. Бунинг учун кучимиз етгунча тиришамиз. Буларни биз ўйлаб чиқармадик. Ҳар бир миллатнинг олий мактаб болалари қаерда бўлса бўлсинлар, илмий-ижтимоий йўлларда ўз миллатлари учун чалишади-рлар.

Бизнинг ишимиз келгусида илмий ишдур. Шунинг учун ҳозирдан қўлимиздан келгунчалик бўлса-да, кечикиб бўлса-да, арзимас бўлса-да қиламиз. Узоқларга буюк умидлар билан юборган Туркистонимизга бу ҳаракатимиз кўкрагимизда ёнган хизмат туйғуларини кўрсатур умидидамиз.

Сулаймонга чумоли човуртка оёғини тортуғ келтирганидек, бизда шу кичик мужалла (журнал)ни улус оёқларига тўшантира-миз. Деймиз: бизнинг қўлимиздан келгани ҳозир шу бўлди, яра-рлик бўлмаса-да, ўз болаларингизники. Олинг, бузуқларини тузатинг, камчиликларини тўлди-ринг, кўмаклашинг»¹.

«Кўмак» саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фан-техника муаммолари, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган қатор қизиқарли мақолалар, адабий-илмий лавҳа, шеър ва мактублар ҳам босилган. Буларнинг ҳаммаси асосан Берлин ва Ҳайделбергдаги дорилфунун ва олий техника мактабларида ўқиган Саидалихўжа, Аҳмад Шукрий, А.Иброҳимов, С.Жаббор каби талабалар қаламларига мансуб бўлиб, улар ўз мақолаларида Германияга келишдан кузатган мақсадлари, у ердаги илм-фан, маданият ва техниканинг дунёдаги бошқа мамлакатларга нисбатан ҳайратомиз даражада тараққий топганлиги, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Эрон каби мамлакатлардан бу ерга кўплаб талабаларнинг келиш сабаблари, бу жараённинг Туркистоннинг иқтисодий ва маданий истиқболи учун

¹ «Кўмак» (Берлин), 1923 йил. 1-сон, 2-бет.

ибратли томонлари ҳақида қизғин фикр юритганлар. Улар ўз фикр ва ҳис-туйғуларини гоҳ шеърӣ йўл билан, гоҳ мактуб тарзида ифода этганлар. Жумладан, Берлиндаги Олий техника мактабининг талабаси Саидалихўжа ўз мақолаларида («Ақл ва сезги», «Мия ва юрак» каби) жамият тараққиётида инсоннинг ҳар томонлама ривожланган бўлиши, ақл ва юракнинг узвий алоқада ишлаши, бу аъзоларнинг ўзаро алоқалари кучли бўлган кишиларгина инсоният дунёсини камолатга бошлай олишлари мумкинлиги каби муҳим ижтимоий-маънавий масалалар тўғрисида фикр юритади. Бундан маҳрум қалбсиз, ҳиссиз бўлган баъзи сиёсат кишиларидаги бераҳмлик, шафқатсизлик, ёвузлик каби фактларни Россия ва Шарқдаги мустабид шоҳлар, амирлар зулмидан олинган айрим воқеалар орқали аёвсиз фоти этиб ташлайди. Жаҳонгирлик урушида ўринсиз тўкилган қонлар, халқ мол-мулки, қишлоқ ва шаҳарларнинг вайроналари, меҳнат эвазига келган миллиардлаб пулларнинг бекорга соврилиши каби муҳим масалаларни аниқ фактлар асосида таҳлилга тортади («Америкада киши қони савдоси»). Ўзининг бой тарихий, маданий ва маънавий анъаналарига эга бўлган Осиёнинг ғафлат уйқусида эканлигидан фойдаланган Европа жаҳонгирларининг бу ерда яшовчи халқларга нисбатан ўтказган мустамлакчилик сиёсатини қоралаб, буни тушуна бошлаган Япониянинг Европани қувиб етиши, ундан ибрат олган Хитой ва Ҳиндистоннинг инглизларга қарши олиб бораётган курашлари, бугунги кунда улар орасидан машҳур олимлар, адиблар ва файласуфларнинг етишиб чиқаётгани босқинчиларни сескантираётгани ҳақида фахр билан сўзлайди. Шу билан бирга муаллиф Германияда ўқиётган талабаларимизнинг соғлом мақсад ва ниятларини ўз вақтида англамаган баъзи бир тор қарашли маҳаллий зиёлиларни қаралаб, бундай ҳаракатлар чоризм амалдорларининг Туркистонга ўтказиб келган мустамлакачилик сиёсатининг тегирмонига сув қуйишдан бошқа нарсга эмаслигини айтади ва бундай ёзади:

«Ҳозирда Осиёда ҳеч бир давлат йўқдирки, унинг Оврупода ўқувчиси бўлмасин! Ҳар бир Осиё давлати учун кучи етгунча бир нарсага энг зўр аҳамият берди. Қодирлари кўпроқ, кучсизлари камроқ ўз талабаларини Оврупога

юбордилар ва юбормоқдалар. Шу чоқда Оврупода Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Бухоро, Туркистон, Кавказ, Қирғизистон ва Татаристондан талабалар ўқиб турадилар.

Оврупо олим ва файласуфлари ҳозирда Оврупонинг ўлими (ботуви) яқинлашганини исбот этадилар. Бунинг ўрнига яна Осиё чиқса керак. Мана шундай бир замонда тушунчасиз бир татар қардошимиз Туркистон ва Татаристон талабаларини Оврупога бориб ўқишини нотўғри топмиш.

Осиёлик бир киши дейлик Осиё саодатини кўра олмамиш. Шундай тушунчасизликни бошқа осийликлар эшитсалар, бунга қандай назарлар билан қарарлар экан? Бундай бир киши, албатта, Осиёни ҳақорат қилган, Осиёдан (оқ) бўлган бўлур. Бу киши нима деган: Оврупода ўқиб келган кишилар коммунизмга ишламайдилар, унга фойда келтирмаслар...

...Демак, мақола ёзувчи қардошимиз тағин коммунистлардан кўра эски ҳукумат кишиларига шул иш билан ўзларини яқинроқ кўрсатган бўлмасунлар? Тағин бу мақола чор миллатчиларини шодлантирган бўлмасун? Япония, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Туркиядан минглаб шогирдлар келиб ўқиганда ўз ораминдан ўнлаб киши келиб ўқувини кўра олмадингизми? Ўйланг, ўйланг! Халқингизни, идеалингизни севсангиз, халқни маърифатга бошланг! Қоронғуликдан чиқаринг! Ҳозирда бу ерда ўқувчиларингиз оз. Лозим эди неча мартабалаб кўпроқ юборув. Мана бунга чалишинг!»¹

Берлин дорилфунуни тарих-фалсафа факультети талабаси Аҳмад Шукрий, Саидалихўжадан фарқли ўлароқ, журналда кўпроқ адабий-танқидий мақола, бадий руҳдаги мактуб ва лавҳалари билан қатнашган. Уларда хусусан («Турк адабиётида идеализм ва реализм») туркий халқлар адабиётида ижодий метод масалаларига тўхтаб, бу жиҳатдан Озарбайжон фожианависи Ҳусайн Жовиднинг «Шайх Санъон» саҳна асари билан ўзбек адиби Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» фожиасида акс этган воқеа ва ҳодисаларни қиёсий таҳлил қилади, шулар асосида Ҳусайн Жовид асарини идеячилик (ғоячилик), Фитрат асарини эса реалист (ҳаққонийлик) руҳи билан суғорилган, деган хулоса чиқаради². У Чўлпон билан

¹ Саидалихўжа. Осиёнинг оқ ўғли, - «Кўмак», 1923 йил. 1-сон. 16-17-бетлар.

² «Ҳинд ихтилолчилари»нинг ўзи ҳам илк бор 1923 йили Берлинда босилиб, фақат Туркистонда эмас. Ҳиндистон ва Туркияга ҳам тарқалган эди.

Шекспир лиризмини ўрганиб, улар ўртасидаги руҳий-маънавий яқинликни, улар асарларига хос туйғулар гармониясини англаганлигини, лекин шунга қарамасдан, Чўлпоннинг оқ кўнгилликлари ҳатто Шекспир самимийлигидан ҳам юксаклиги, унинг бизда севги тангриси, севги яратгувчиси қадар улуғлигини алоҳида қайд этади. («Чўлпон – Чўлпондир»). Ва ўз фикрининг исботи учун Чўлпоннинг «Уйғониш» (1929) шеърий тўпламини бунга мисол қилиб келтиради. У бу ҳақда ўқувчиларга янада ёрқинроқ тасаввур бериш учун Чўлпоннинг «Кетганинда» номли ёр ва ватан фироқи билан тўла қуйидаги шеърини тўла келтиради:

Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайғуларим-ла.
Ҳижроннинг куйини бошлаб
Йиғловчи чолғуларим-ла?

Севгимдан сўнгги малаклар
Тўп-тўғри кўкками учди?
Кўнглимдан тоза тилаклар
Ёвнингми бағрига тушди?

Ортиқ сен мендан узоқда.
Кўзларни ўйнатасанми?
Ортиқ сен бошқа булоқда
Дилларни қайнатасанми?

Ортиқ сен ундаги боғда,
Ортиқ мен якками қолдим?
Фарёд йўқ... Барча жаҳон жим,
Ер ютса яхши шу чоқда!..

Кетдингми сен мени ташлаб?
Қолдимми қайғумни бошлаб?¹

¹ «Кўмак», 1923 йил, I-сон, 20-бет.

Аҳмад Шукрий Туркистондаги севимли фарзандидан олган мактубига жавобан ёзган хатида унинг она-Ватан тўғрисидаги хабарларидан олган севинчлари ҳақида, Германиянинг фан, техника ва маданият соҳасида фақат Овруподагина эмас, балки бутун жаҳонда олдинда бораётганлиги ҳақида ифтихор туйғуси билан ёзади.

У Шиллер каби немис драматургларининг асарларини ўқиб, руҳлари кўкларга учиб юксалгани, ўзини йўқотиш даражасида ҳайратомиз ҳаёллар оғушига фарқ бўлиб, тамомила янги бир маънавий олам билан бойиганлиги, немис театрларида эса эрадан олдинги воқеаларнинг худди бугунгидай юксак маҳорат билан гавдалантиришларига қойил қолганлиги ҳақида тўхтаб, бундай ёзади:

«Ватанимиз тўғрисида ҳарни ёзганингни ўқиб шодландим. Ёзувингда менга: олмон маданияти қандай экан? Сўроқни қўясан, қўзим! Менинг тилимнинг сенга, оқиб кечган, оқиб турган олмон маданиятини лойиғинча тушунтирарлик кучи йўқдир.

Олмон маданиятини англашиш, мақташнинг ташқи ёғидадир. Мен эмас, мендан баландроқ кишилар-да бу элнинг маданиятини тил-да тушунтира олмаслар шонувидда мен. Олмон маданияти ҳаёлда, ҳақиқатда тебранмоқдадир. Гўё у Шиллер каби шоирларининг асарларидан озроқ ўқисанг, руҳингни кўкларга, юксакларга учирадир. Ҳар томонингни чулғаб олган гавголи ҳаётдан қутқариб, эжимжит шегърийат ва ҳаёллар оламига кўтарадир¹.

Гамбургдек бир шаҳрига борсанг, тоғ кўринишли кемалар техник олами кўз олдингга гавдалантирадир. Алланеча минг чақирим узоқларда бўлган мамлакатлардан сув кечиб соғ келганин сўйлайдир. Бу, ҳақиқат эмасми? Театрларига кирсанг, беиш минг йил илгари ўтган Миср ҳаётидан бир воқеани саҳнага тушурадир. Ўтурдинг, ўзингни унутасан. Унутулур тўполонлар остида қолиб кетган чоғларни кечагина бўлган каби эслайсан. Бу, тараққий эмасми? Темир йўл аробаларига

¹ Берлин дорилфунинининг тарих-фалсафи факультети талабаси Аҳмад Шукрийнинг Германияга келганига қадар ҳам Тошкентда шоир Чўлпон ёрдамида саҳнага қўйилган «Қароқчилик» асарини кўрган бўлиши ариқ. Бундан ташқари, Аҳмад Шукрийнинг шу йилларда босилган «Туркистонда муеулмон мактаблари» (1922) мақоласида ҳам Ибн Сино, Улугбеклардан тортиб Мунаввар қори, Беҳбудийларга бўлган фан, маданият, ижтимоий-фалсафий фикр намояндалари ҳақида фикр юритиши, уларни қадимий ва замонавий рус, татар, Ғарб мутафаккирлари билан қиёслаши, айниқса, М.Беҳбудийни Германиянинг улуг реформатори Мартин Лютер билан солиштириши унинг Европа ва Ширқ адабиёти ва тарихини яхши билганлигини кўрсатади.

ўтурсанг, бир неча соат сўнгида ўзингни бошқа шаҳарда кўрасан. Тез замон ичида олмон уқичларининг бизнинг томонга-да учажакларини сўйлайдурлар. Бўлгани ерда, сувда, ҳавода олмон маданияти томир ёйган!...

Ҳурмат билан кўзларингдан ўпиб,

Аҳмад Шукрий¹.

Берлин Олий техника мактабининг тоғ инженерлиги (муҳандислиги) факультетининг талабаси Аҳмаджон Иброҳимов «Техника ва биз» деган мақоласида маданий миллатларнинг тараққиётига сабаб уларда малакали доктор, инженер, агрономларнинг кўп бўлишидир, бинобарин, Туркистон каби бой тупроқли, маъдан ва ўсимликларга, табиий бойликларга ва ҳайвонот дунёсига бой бўлган, аммо ҳозирги вақтда иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушган, очлик ва ишсизлик авж олган ўлканинг бу иллатлардан қутулиши учун замонавий завод ва фабрикаларни кўпайтириш, уларни юритувчи олий малакали миллий кадрларни тайёрлаш лозим, деб кўрсатади. Бундай камчиликларни йўқотишнинг, элимизни тўқ ва маъмур қилишнинг, ишсизликни тугатишнинг ягона йўли эса талантли миллий ёшларни Германия сингари тараққий этган мамлакатларга юбориш, уларни юртимизнинг келажаги йўлида тарбиялашни муҳим, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, журналда Берлин дорилфунуни ва Олий техника мактаби талабларидан Саидалихўжанинг «Оврупо», «Юрак», Аҳмад Шукрийнинг «Ҳаёт», «Сўрма», «Туш», «Парча», Саттор Жабборнинг «Тилак» каби шеърлари ҳам босилган. Талабалар шеърларида ишқ-муҳаббат мавзусига бағишлангани, айрилиқ дардлари, зўрлик ва зўравонликка қарши кураш мотивлари устуворлик қилганига қарамай, уларнинг кўпроқ Ҳенрих Ҳейни, А.С.Пушкин, Абдулла Тўқай ва Чўлпоннинг баъзи бир романтик шеърларига тақлидан ёзилгани сезилиб туради.

Масалан, Саидалихўжанинг «Юрак» шеърига назар ташлайлик:

Куйган, ўртанган юрак яна куймоқ истайдур,
Ёниб, пишиб ўрганган, яна чўғни тусайдур.

¹ Аҳмад Шукрий. Ёзувингга жавоб, - «Кўмак», 1923 йил, 1-сон, 18-19-бетлар.

Олов бўлиб нур сочган, қоримизни эритган,
Совуқ танни иситган замонларни истайдур.
Олов бўлиб гуруллаб, шошиб, елиб, ғириллаб,
Қимирлашга талпиниб зўрайтмоқни тилайдур.
Қул бўлсун-да эзилсин, судралсин-да босулсин,
Ҳар хил туёқ остида ўтмишини эсласин.
Ёниб турган юракка бу хил ишлар ёқмайдур.
Юрак чексиз ёнувни, ишқ ўтида куювни,
Маъшуқани ёндириб, қучоғинда сўнувни -
Мана бунни хушлайдур...¹

Ёки Аҳмад Шукрийнинг Богунинг «Сўрма» шеърига
жавобан ёзилган мана бу шеърини кўрайлик:

Сўрма мендан иқбол надур, бахт надур?
Бу сўроқлар, меним фикримча, бўшдур.
Бутун умрим бўйи бахтни изладим,
Ҳар қадамда бахтсизликка учрадим.
Унинг учун иқбол надур, бахт надур?
Ҳикматини, маъносини билмадим.
Бу тугунли сўроқларнинг ҳикматин
Бахтга таниш бўлганлардан сўраб кўр².

Журнал сўнгида «Ўтунчлар», «Идорадан» рукнларида
берилган материалларда таниқли турк шоир ва
ёзувчиларидан Олмониядаги туркистонлик талабаларнинг
«Кўмак» журнаlinesи безашда иштирок этиш, шундай йўл
билан Туркистоннинг илм ва маданиятда ортда қолган
халқини олдинлатишга ёрдам бериш таклиф этилади.
«Кўмак»нинг кейинги сонларини чиқариш маълум эмаслиги,
ўқишнинг қизгин вақтлари кетаётганлиги учун унинг нашр
вақтини аниқ белгилай олмаганликлари, шунга қарамасдан,
унинг чиқишини кечиктирмасликка ҳам ваъда қилинади.

Лекин, «Кўмак»ни келажакда ҳам чиқариш ниятлари
амалга ошиб, у яна чиқаришда давом этдими, йўқми? Бу
ҳозирча маълум эмас. Бироқ шунга қарамасдан, «Кўмак»нинг
шу биргина сони ва унда иштирок этган Германиядаги

¹ Ўша журнал, 23-бет.

² Ўша журнал, 25-бет.

талабаларимизнинг мазкур мақола ва лавҳалари, шеърлари, уларда кўтарилган масалалар ҳам фақат ўша даврдаги Туркистонни иқтисодий, маданий ривожлантириш учунгина эмас, балки унинг бугунги истиқболли кунларидаги тараққиёти муаммоларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

* * *

«Ёш Туркистон» журнали. Туркистонда Октябрь тўнтаришидан сўнг большевиклар босқини ва зулмидан қочиб кетган Шарқий Бухоро ҳукумати ва Туркистон Мухториятининг бир қанча арбоблари ва таниқли зиёлилар хорижда советлар зулми ва истибдодига қарши ўз халқларининг миллий истиқлоли йўлида матбуотда кураш олиб бордилар. 1927-1932 йилларда Усмонхўжа муҳаррирлигида Истанбулда турк тилида, 1929-1939 йилларда эса Парижда Мустафо Чўқаев муҳаррирлигида нашр этилган «Янги Туркистон» ва «Ёш Туркистон» журналлари шундай нашрлардан бўлди. Бу ҳар иккала журнал саҳифаларида туркистонлик сиёсий муҳожирлар билан бирга Германия ва Туркияда ўқиб, ватанларига қайтмаган ватандошларимиздан Тоҳир Чигатой, Абдуваҳоб Ўктой ва бошқалар ўз мақолалари билан фаол иштирок этдилар. Улар қаламига мансуб мақолаларда Туркистонда 20 - 30-йилларда, шунингдек, кейинги даврларда совет мустамлакачилик сиёсатининг фожиаи оқибатлари, бу сиёсатга қарши Туркистон халқлари томонидан турли даврларда олиб борилган сиёсий кураш, она-ватан тарихи, адабиёти ва тилига оид муҳим масалалар мунтазам равишда ёритилиб борди¹. 20 - 30-йилларда Туркия, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда тарқалиб, ўша йиллардаёқ элимизнинг, юртимизнинг миллий истиқлоли йўлида кураш олиб бориб, Туркистондаги коммунистик режим кирдикорларини халқаро миқёсда фош қилиб борган мазкур журналлар ва бу

¹ *Темурхўжа ўғли. «Ёш Туркистон»нинг Туркистон матбуоти тарихидаги ўрни* - Китобда: «Ёш Туркистон» (Аёз Тоҳир, Туркистон, Адил-Ўрол Вақфи). 1-жилд (1929-1930 йиллар). Истанбул. 1997 йил. 1-14-бетлар. *Фатми Ачиқ. «Ёш Туркистон» журнати тарихий-адабий манба сифатида. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.* Тошкент, 2002 йил. - 31-бет.

журналларда ўз мақолалари билан қатнашган Германияда ўқиган талабаларимизнинг публицистик фаолияти ҳанузгача ўрганилмай келади.

Биз шу ҳолни ҳисобга олиб, 30-йилларда Туркистонда сталинча қирғин ва қатағон кучайган бир даврда ташқарида туриб, шу қирғинга қарши мунсабат билдирган ва, умуман, Туркистоннинг миллий истиқлоли учун кураш олиб борган «Ёш Туркистон» журналининг ва унда фаол иштирок этган талабаларимизнинг фаолиятига бир назар ташлаймиз.

«Ёш Туркистон» журнали 1929 йил декабрида Парижда нашр этила бошлади ва 1939 йилгача роса ўн йил давомида фаолият кўрсатди. Тўғри, ундан аввал, 1927 йилда Истанбулда «Янги Туркистон» номли журнал чоп этила бошлаган эди. Лекин у совет-турк муносабатларининг йўлга қўйилиши билан ва, айниқса, Москванинг тазйиқи остида 1932 йилда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади ва 20-йиллар охирида туркистонлик зиёлилар «Ёш Туркистон» номли янги журнални чиқаришга қарор қиладилар¹. Бу журнал ўзининг биринчи сонидан бошлабоқ асосий шиорини Туркистон миллий истиқлоли мафкурасига хизмат этувчи ойлик мажмуадир, деб белгилайди. «Ёш Туркистон» 1929 йил декабрда чиққан биринчи сонидан бошлаб то ўзининг 1939 йилги сўнгги 117-сонигача шу ғояга хизмат қилди ва унга содиқ қолди. Бу ғоя унинг биринчи сонидан босилган «Бизнинг йўл» номли бош мақоласида бундай баён қилинган эди:

«Биз, Туркистон истиқлолчилари, элимизнинг эрки ва юртимиз Туркистоннинг қутулиши учун курашамиз.

Туркистончиларга шундан бошқа йўл йўқ, бўлмас ва бўлмас. Биз бу тарафда юртимиздаги Москва совет ҳукмронлиги зулми остида миллий истиқлол учун иштиловчи миллионларча Туркистон ўғилларининг озгина бир тўдасимиз. Бизнинг товушимиз юртимиздаги қувватли фигоннинг кучсизгина бир оҳидир. Халқимизнинг миллий истиқлол талабларини, маъносини бузмасдан... «Ёш Туркистон» бетларида англата билсак, бизнинг ҳаммамиз учун муқаддас бўлган оғир маъсулиятли вазифанинг бир қисmini адо этган бўламиз.

¹ Қаранг: Темурхўжа Ғели. «Ёш Туркистон»нинг Туркистон матбуоти тарихида ўрни». 27-бет.

“Ёш Туркистон» ҳажм эътибори билан кичик бўлса ҳам, озод ва мустақил Туркистон байроғини кўтариш каби вазифани устига олиш ва у йўлда хизмат этиш билан буюқдир!

“Ёш Туркистон» бошқармаси»¹.

Журнални варақлар эканмиз, унинг ўн йиллик фаолияти давомида Туркистоннинг миллий истиқлоли учун кураш ғоясига изчил хизмат қилганини кўрамиз. Бунда Германияда ўқиб, Ўзбекистонга қайтмай, хорижда қолиб кетган ва кейинчалик «Ёш Туркистон» журналида масъул ходим ва муаллиф сифатида иштирок этган Тоҳир Чигатой, Абдуваҳоб Ўктой ва бошқаларнинг фаолияти, айниқса, муҳим бўлди. Улар актуал мавзудаги мақолаларини чоп этибгина қолмай, Туркистонда етишган Фитрат, Чўлпон, Мағжан Жумабой каби миллий истиқлолчи шоирларнинг (Чўлпоннинг «Япроқлар», Фитратнинг «Миррих юлдузига», Элбекнинг «Қуролга», Мағжан Жумабойнинг «Туркистон» ва бошқа) шеърларини ҳамда улар ҳақидаги мақолаларни ҳам бериб бордилар. «Ёш Туркистон»нинг 1929 йил биринчи (декабрь) сонидан берилган «Туркистон шоирларидан» номли кичик бир мақолада бу ҳақда тўхтаб: «Биз «Ёш Туркистон» бетларида Туркистон шоирлари ва ёзувчиларидан намуна бўларлик баъзи парчаларни босиб турмоқчимиз. Бу бош номеримизда машҳур қозоқ шоирларидан Мағжан Жумабой ўғлининг «Туркистон» отли шеърини бир неча парчалари билан, атоқли ўзбек шоири Чўлпоннинг «Япроқлар» сарлавҳали шеърини нашр этамиз. Мағжаннинг бу шеъри 1923 йилда Тошкентда Туркистон давлат нашриёти томонидан босилиб чиққан «Мағжан Жумабой ўғли ўланлари» китобида бордир. «Туркистон» юртимизнинг ҳар бурчагинда ёшлар тарафидан гимн ҳолинда ўқилиб юрган шеърдир. Қўлдан-қўлга кўчиб юрган «Япроқлар» 27-йилги «мафкура майдонида курашлар»да кўпгина шов-шувларга сабаб бўлган ва замон матбуот бетларинда ҳам қисман кўрунуб қолган эди»², деб ёзадилар. Булар ичида, айниқса, Чўлпоннинг «Япроқлар» шеъри муҳим бўлиб, ундаги миллий истиқлол учун кураш ғояси «Ёш Туркистон»

¹ «Ёш Туркистон». 1929 йил, 1-сон (декабрь), 1-2-бетлар.

² «Ёш Туркистон». 1929 йил, 1-сон (декабрь), 29-бет.

журналининг ғоявий йўналишига айнан Ҳамоҳангдир.
Журналда шеърнинг қуйидаги тўла матни шундай берилади:

Куз чоғи тупроқлар гезариб қолдилар,
Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар.
Сўнг дамда япроқлар қизариб олдилар,
Қизариб олдилар сўнг дамда япроқлар.

Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур.
Ёнғоққа ёпишиб бир чангал солдилар,
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур?

Эй совуқ эллардан муз кийиб келганлар,
У қўпол товшингиз қирларда йўқ бўлсун!
Эй мени боғимда мевани терганлар,
Қоп-қора бошингиз ерларга кўмулсун!¹

Журнал мазкур биринчи сонидан бошлаб советларнинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида Туркистондаги миллий истиқлолчилик ҳаракатининг бостирилишидан тортиб, то бу ерда ўрнатилган большевиклар ҳокимияти ва унинг зўравонлиги билан амалга оширилган «қулоқлаштириш», коллективлаштириш ва индустрлаштириш компаниялари, шунингдек, маҳаллий ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман ва бошқа халқларнинг иқтисодий-сиёсий ҳаёти, маданияти, тили ва адабиётига нисбатан кўрсатилган зуғумлар ҳақида материаллар бериб боради (масалан, Тоҳир Чигатойнинг «Большевик жинояти қурбонлари», «Миллий туйғу ва миллий руҳ ўлдирилмас», «Қизил империализм ва саноат» (1932), «Туркистон миллий адабиёти ва адиблари фожиасига» (1936), «Туркистонда сиёсий прағром» (1937), Абдуваҳоб Уктойнинг «Сургундаги ўртоғимдан» (1929), «Истанбулда Туркистон куни» (1930), «Туркистон адиблари вазияти» (1931), «Синфий душманлар муҳокамаси» (1932), «Нашриётда зиёнчилик ва зиёнчи муҳаррирлар» (1937) ва бошқалар). Жумладан, Тоҳир Чигатойнинг «Қизил империализм ва саноат» мақоласида (1932) Туркистондаги

¹ «Ёш Туркистон», 1929. 1-сон (декабрь), 32 – 33-бетлар.

янги маҳаллий саноатнинг миллий халқ манфаатидан кўра советлар манфаатига хизмат қилаётганлиги фoш этиб ташланади.

Тоҳир Чигагой шу масала хусусида тўхтаб, бундай ёзади:

«Бир қанча завод, фабрика, комбинатларнинг солинганлиги тўғри. Буни Ленин миллий сиёсатининг айнан татбиқ этилмоқда бўлганлигини кўрсатишим-да тўғри. Фақат буларнинг ҳаммаси-да Туркистонда Туркистон халқининг манфаати билан уйғун, тўғри бир миллий сиёсат юритилмоқда бўлганини кўрсата олмайду. Иш бир неча фабрик солган бўлиши билан битмайду. Унинг иқтисодий, сиёсий моҳияти, унинг Туркистон халқи иқтисодий турмуши нуқтаи назаридан нима демак бўлганлиги, Туркистон халқининг миллий иқтисодий манфаати билан қандай муносабатда турғонлиги текширилиши керак.

Туркистон халқи ўз муҳитида ўзига ҳаёт ва миллий инкишоф имконини бера турган бир саноат талаб этадулки, буни яратажак бир сиёсат ёлғиз миллий мустақил Туркистондагина бўла оладу. Бизда мана шу Туркистон халқининг ўз юртида сарбаст яшаб, униб-ўсиш имконини ҳозирлай турган бир сиёсат, тўғри миллий сиёсат ва бу сиёсат орқасида Туркистон халқининг ўз моли бўлиб етишган саноатига миллий саноат оти берамиз»¹.

Мазкур муаллиф «Пахта атрофида» (1932) мақоласида бу фикрларини яна ҳам ривожлантириб, Ўзбекистондаги пахта учун курашнинг республика миллий манфаатларига зид ўлароқ, бу ердаги маҳаллий меҳнаткаш халқнинг ўсиши ва ривожига эмас, балки қашшоқлиниши, хонавайрон бўлишига қаратилганлигини ёзади.

«Совет ҳукуматининг буйруғи бўйинча, — дейди муаллиф «қулоқлаштириш» даври фожиаларини назарда тутиб, — кўрсатилган миқдорда пахта экиладики, ўз ҳаёти учун лозим бўлган моддаларни ҳозирламоқ истидиги учун мол ва мулкидан маҳрум этиллуб, зиндонларга отилган, сургунга юборилган, отуб ўлдирилган туркистонлиларнинг сони минглар, ўн мингларни кечади.

¹ *Темир угли :Тоҳир Чигагой*. Қизил империализм ва саноат. «Ёш Туркистон» журнали, 1932 йил. 1-сон, 23-28-бетлар.

Пахта экилганлиги учун Сибириянинг музли тундираларида, Русия ва Украинанинг ёт элларинда сурунуб юрган ўн мингларча Туркистон(нинг) йўқсул деҳқони бор.

Ўтган йилларда совет ҳукумати уйларда тинтувлар қилиб, уйинда бир неча килограмм пахта топилгани учун пахтасини топширмаган, деб қоралаб қанча Туркистон деҳқонларини жазолантирди? Туркистон халқи ва деҳқонига ўз миллий эҳтиёжи, ҳатто эскидан қолган кўрпа-тўшакларини-да олиб кетди»¹.

Абдуваҳоб Ўктойнинг Истанбулда «Туркистон куни» (1930) мақоласида хорижда яшаётган муҳожир ватандошлар ва талабаларнинг Истанбулда ўз ватанлари бўлган Ўзбекистонни соғиниб, унинг истиқлолини орзу қилиб, ватан муҳаббати, соғинчи ва истиқлолига бағишлаб ўтказилган бир миллий кеча ҳақида хабар беради. Унда ёзилишича: «10 октябрь, жума куни Истанбулда «Туркистон Турк ганжлари (ёшлари) бирлиги»нинг 3-нчи йилни битириб, 4 ёшга кириши муносабати-ла «Бирлик» саломида тантанали кун» бўлиб ўтган ва бу тантанали кунга Истанбулдаги барча туркистонлилар чақирилган. Аҳмад Наимбек² Германиядаги Туркистон ёшлари номидан бир нутқ сўйлаб, Германияга келган талабаларнинг «тарихча»сини ва уларга қарши большевикларнинг тутган сиёсатларини бирин-бирин санаб, ниҳоят, деган: «Туркистон миллий истиқлолини олмагунча ўз болаларини ўз пули ила тарбия қилолмас. Ўз менлигини олатурган куни кўп узоқ эмас.

Яшасун миллатпарвар ёшлар!

Нутқлардан кейин туркистонлик қиз талабалардан Розияхоним «Ғозия» унвонли манзума ўқуди ва кўп олқишланди.

Қиз ва эркак ўқувчиларимиз «Ўртоқлар!» ашуласини айтиб салонга кирдилар.

Иккинчи қисм чой ва истироҳат эди.

¹ Темур ўғли (Тоҳир Чиеатой). Пахта атрофида - «Ёш Туркистон» журнали, 1932 йил, 17-сон. 19-бет.

² Аҳмад Наимбек бухоролик ўзбеклардан, Берлин университети иқтисод факультетини битириб, Истанбул университетидида дарс берган.

Чойдан кейин учинчи қисм мусмира қисми¹ эди. Мусмира қисминда туркистонли талабаларимиздан Маъмурахоним «Туркистонни танимаганлар!» деган бир шеър ўқиди. Бу шеърнинг алалхусус бу қисми кўп олқишланди:

Юриши-ла тўфон каби ҳоқонларни титратган,
Бу Масковни бир замони танг ҳолинда уйнатган.
Араб султонини бир ҳамла-ла юртидан отган
У Темур ўғилларининг муқаддас Каъбасидир.

Маъмура ва Хайрихонимлар «Ўйнанг, ёр» ва «Азизимжон» ашулаларини бошқа қиз ва эркак болалар билан айтишиб, Туркистоннинг миллий ўйинини ўйнадилар. Ўйнар эканлар, туркистонча кийинган эдилар. Миллий шеърлар, дostonлар, қизиқчиликлар бўлди.

У кун учун махсус бир девор газетаси чиқарилди. Бу девор газетаси бошдан-бошга Туркистон турмушига оиддир...»²

Ўқтойнинг «Туркистон қўрбошиларига» (1930) шеъри Ўрта Осиёдаги миллий истиқлол йўлида кураш олиб борган баҳодир йигитлар тилидан айтилади. Шеърда уларнинг ўз юртларини большевиклар қўлидан озод этмагунча курашажаклари, босқинчиларнинг темир занжирлари ҳам уларнинг иродаларини асло буколмасликлари ғояси илгари сурилади. «Сургундаги ўртоғимдан» (1930) шеърида Сибирияга сургун қилинган туркистонлик ватандошларининг оғир аҳволлари, оҳу зорлари уларнинг ўз тилларидан баён қилинса, «Сургундаги ўртоғимга» (1930) шеърида улар тилидан баён қилинган мазкур аҳволларига жавобан уларнинг ҳақиқатан ҳам ўз юртларининг истиқлоли йўлида курашаётган «олмос эрлар» ва фидойи кишилар эканликлари айтилади. Бу шеър А.С.Пушкиннинг чор самодержавиесига қарши курашда иштирок этиб, Сибирга сургун қилинган декабристларга бағишланган «Сибирга мактуб» шеърини беихтиёр ёдингизга солади. Ушбу ҳар иккала шеър ҳақидаги тасаввур тўла бўлсин учун қуйида улар матнини айнан келтирамиз:

¹ Мусмира қисм – бадий қисм.

² Элтар (Абдуваҳоб Ўқтой). Истанбулда Туркистон кечаси. - «Ёш Туркистон» журнали. 1930 йил, 112-сон, 32-34-бетлар.

Сургун(даги) ўртоғимдан

Кафанга ўролгон Сибирия чўлида!
Кишанлар, занжирлар қўл-оёғимизда,
Тепки, от туёғи доим бошимизда,
Ҳамда қонли қамчин, аччиғ изғиринлар!
Туганмак билмаган бу қийнов йўлида:
Гала-гала қузғун теварагимизда,
Йиғилмоқда қорлар босган изимизда,
Суягимизнинг-да мақбари бу қорлар!

Сургун(даги) ўртоғимга

Кафанга ўралган у Сибирия чўли,
Ҳаққимизнинг эмас, руснинг ўлим йўли!
Қўл-оёғингизнинг кишанин занжири
Билмай чегара бўлур юртимизга!
Эрк курашимизнинг олмос эрлари!
Яшамаймиз олмоққа интиқомингизни,
Тўфон-да кўмолмас босган изингизни!
Шаҳидлар мақбари - бу имонимиз-да!¹

Бундан ташқари, уларнинг мақолаларида Туркистоннинг ўтмиш буюк адиблари ва шоирларидан Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва сўнгги асрларда етишган буюк жадид маърифатпарварлари ва истиқлолчилари бўлган Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқалар ҳамда уларнинг туркий халқлар адабий-маданий ва маърифий тараққиётидаги, истиқлолчилик ҳаракати тарихидаги муҳим ўринлари катта ҳурмат билан тилга олинади (масалан, Тоҳир Чигатойнинг «Турк мафкураси ва Алишер Навоий» (1938), «Султон Бобур ва Туркистон турк ватанпарварлиги» (1939), «Туркистон миллий адабиёти ва адибларининг фожиаси» (1935), «Устозимиз Мунаввар қори» (1934) ва бошқалар). Бу мақолалар ичида Тоҳир Чигатойнинг Алишер Навоий, Бобур ва Мунаввар қори ҳақидаги мақолалари, айниқса, характерлидир. Тоҳир Чигатой ўзининг «Султон Бобур ва

¹ «Ёш Туркистон», 1930 йил, 5-6-сон (апрель), 42-бет.

Туркистонда турк ватанпарварлиги» мақоласида «Туркистонда турк миллий мафкуриси ва Алишер Навоий» мақоласида олға сурилган миллатпарварлик ва ватанпарварлик ғояларини янада кенгроқ ёритишга уринади. Тоҳир Чигатой Мирзо Бобурнинг севимли ватани Андижонни ташлаб, «Ҳинд сори» кетиши қанчалик оғир бўлганлиги ҳақида, ундаги ватанга бўлган буюк муҳаббат туйғуси ҳақида сўзлар экан, ўзининг севимли ватани Туркистонга бўлган соғинчини, уни қўмсашини, ватан йўлидаги тўсиқларни кўриб, чеккан надоматларини ҳам кўнглидан ўтказди. Шунинг учун ҳам мақолада Бобурнинг султон сифатидаги ишларидан кўра унинг ватанпарвар шоир сифатидаги фазилатларига кўпроқ эътибор беради ва бу фикримизнинг исботи сифатида Бобурнинг ватан соғинчи ҳақидаги қуйидаги машҳур мисраларини келтиради:

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнглини меҳнатда киши.
Кўнгил бу ғарибликдан шод ўлмади, оҳ,
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши¹.

Тоҳир Чигатойнинг «Устозимиз Мунаввар қори» мақоласида (1934) Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг Туркистондаги маърифатчилик ва миллий истиқлолчилик ҳаракати тарихидаги улкан роли алоҳида қайд этилади. 1917 йили Февраль инқилобидан сўнг вужудга келган Туркистон Миллий мухторияти ва Алаш Ўрда ҳукуматининг барпо этилишида, бошқа ўзбек ва қozoқ мухториятчилари қатори, унинг ҳам фаол иштирок этгани айтилади. У ҳар иккала мухторият ҳукуматлари большевиклар томонидан йиқитилгандан сўнг Мунаввар қори ва маслакдошларининг бошига тушган аччиқ қисматларни кўрсатиб ёзади:

«1917 йил инқилоби билан ташкил топган «Шўрои исломия» жамиятининг асосчиси Мунаввар қоридир. Большевик инқилобидан сўнг Туркистон миллий бойлигини танитиш, ташвиш қилиш йўлида босилган дастлабки қадамлар ва бажарилган бутун ишлар бошида Мунаввар қори

¹ Тоҳир Чигатой. Султон Бобур ва Туркистон турк ватанпарварлиги, - «Ёш Туркистон», 1939 йил, 116-117-сон, 16-21-бетлар.

турганлигини кўрамиз. У бошлаган ишларини умрининг охиригача муваффақият билан давом эттирди. Биз Мунаввар қорини сўнгги ўттиз йиллик миллий ҳаракатимизнинг жонли ҳайкали, дея қадрламоқдамиз»¹.

¹ Тоҳир Чигатой Устозимиз Мунаввар қори. - «Ёш Туркистон», 1934 йил, 1-сон (январь), 17-18, 21-бетлар.

ГЕРМАНИЯДА ЎҚИБ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТИБ КЕЛГАН ТАЛАБАЛАР

Абдуваҳоб Муродий
(1901-1937/38)



XX аср бошларида Туркистонда маданий-маърифий ислохотчилик ҳаракати жонланиб, янги усул мактаблари, миллий матбуот, адабиёт ва театр санъати майдонга келди. Жаҳондаги илғор мамлакатларнинг тажрибаларини, илм-фан ва техника соҳаларида эришилган ютуқларни ўрганиш учун шу даврда М.Бехбудий, А.Шакурий, Ҳамза каби илғор зиёлилар Шарқдаги Туркия, Арабистон, Ҳиндистонда, шунингдек, Россиядаги Москва, Петербург, Нижний Новгород, Қозон, Оренбург, Боқчасарой сингари шаҳарларда бўлиб қайтдилар, айрим тужжор ва сайёҳларимиз ҳатто Берлин, Париж ва Лондонда ҳам бўлдилар. Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Норбўтабеков, Убайдулла Хўжаев каби замонавий илм-фанга чанқоқ ёшларимиз эса Истанбул, Коҳира, Петербург, Саратовдаги дорилфунунларда таҳсил олдилар.

Лекин ўлкани ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий қолоқликдан чиқариш ва уни чор истибдодидан қутқариш учун таҳсил олишнинг ўзигина кифоя қилмас эди. Бунинг учун ижтимоий-сиёсий озодлик вазияти керак эди. 1917 йил рус Февраль инқилобидан сўнг чор ҳукумати ўрнига келган Муваққат ҳукумат ва Октябрь тўнтаришидан кейин Россиядаги инқилобий воқеалар таъсирида ўлкада вақтинча бўлса ҳам, шундай имконият вужудга келган эди. Шунинг учун Туркистон Автоном Совет Республикаси ва Бухоро Халқ Республикасининг раҳбарлари ўлканинг маданий-маърифий ишларини ривожлантириш, замонавий илм-фан ва техникани эгаллаган юқори малакали ўз миллий кадрларига эга бўлиш учун мазкур шароитдан фойдаланиб, Россиянинг Москва, Петербург, Қозон, Озарбайжоннинг Боку, Ганжа шаҳарлари

билан бирга Туркиянинг Истанбул ва Измир ҳамда Германиянинг Берлин, Ҳайдельбург, Бонн, Штутгарт, Дармштад шаҳарларидаги турли олий ва ўрта махсус ўқув юртлирига қишлоқ хўжалиги, текстиль саноати, медицина, инженерлик, муаллимлик ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча иқтидорли йигит ва қизларни ўқишга юбордилар. Шулар ичида Германияга биринчи бўлиб ўз хоҳиши билан кетган ва Берлин Қишлоқ хўжалик академиясини биринчи бўлиб битириб қайтган тошкентлик ўзбек йигити Абдуваҳоб Муродий ҳам бор эди.

Биз қуйида шу маърифат ва илм шайдоси, фидойи ватанпарварнинг ҳаёти ва фаолияти, кейинги аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қиламиз.

* * *

Абдуваҳоб Муродийнинг таржимаи ҳолида қайд қилинишича, у Тошкентдаги камбағал бир оилада таваллуд топиб, 14-15 ёшларигача бировлар эшигида хизматда бўлган. 1911 йилда Шайхонтаҳурдаги «Хоний» мактабига ўқишга кирган. «Мактабга кирганимнинг биринчи йилидаёқ, — деб эслаган эди у кейинчалик, — икки синф ўтишга тўғри келди. 1913 йилда «Хоний» ва 1914 йилда «Наъмуна» мактабининг 5-синфини битиргач, Наманганга муаллим бўлиб кетдим. Февраль инқилобидан сўнгра ўқиш учун Озарбайжонга кетдим»¹.

Абдуваҳоб Муродий Бокудан ўқишни тугатиб қайтгач, Тошкентдаги янги усул мактабларида муаллимлик фаолияти билан шуғулланади. Айни пайтда ўз даврининг илғор маърифатпарварлари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Шокиржон Раҳимий ва бошқаларнинг педагогик тажрибаларини ўрганади. У Туркистон ва Озарбайжондаги мактаб ва маориф ишлари билангина қизиқиб қолмай, ўзбек, татар, озарбайжон матбуоти, адабиёти ва театри янгиликлари билан танишиб боради; Боку, Оренбург, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида нашр этилган газета ва журналларда Туркистон хотин-қизларининг аҳволи², уларнинг маданий-маърифий тарбияси ва бу масаланинг миллатнинг келгуси истиқболи учун аҳамияти, шунингдек,

¹ Қараңг: Биринчи дипломли агроном, - «Ер юзи» журнати, 1926 йил, 11-сон.

² Қараңг: Туркистонда хонимлар, - «Шўро» журнати (Оренбург). 1925 йил, 21-сон.

чекка вилоятларда театрга, жумладан, Наманганда сахналаштирилган ўзбек тўйларидаги исрофгарчиликни танқид қилувчи пьесалар (Ҳожи Муиннинг «Тўй» пьесаси) га бўлган оммавий қизиқиш¹ ва бошқалар ҳақида мақола ҳамда хабарлар эълон қилади.

Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтаришидан кейин у бир неча муддат ўқитувчи бўлиб ишлайди ва ўзининг илмга чанқоқлиги сабабли 1921 йили Германияга ўқишга бориб, Берлин Қишлоқ хўжалиги академиясига киради. Лекин у ерда дастлаб моддий қийинчиликларни бошидан кечиради.

«Шу чоқ, — деб ёзган эди у таржимаи ҳолида, — Бухоро ва Туркистон талабалари етиб келадилар. Шу талаба ўртоқларимнинг ёрдами ва ўртоқ Икромовнинг Москвадаги талабалардан йиғиб юборган кўмаги ва Тошкентда менинг фойдамга қўйилган театрдан тушган ақча билан яшадим. Фитрат маориф комиссари бўлганида Бухоро ҳукумати таъминотига олиндим... 1925 йил ноябрида мактабни битирдим. Германиянинг турли ерларида тажрибаларда бўлгач, 1926 йилнинг ёз мавсумида Ўзбекистон ҳукумати томонидан Миср зироати ва, айниқса, пахта ишларини текшириш учун Мисрга юборилдим... 4 ойга қадар немислар томонидан таъсис қилинган Янги жинс пахта етиштириш институтида ишлаб, Германияга ва ундан Ўзбекистонга қайтдим... Бу кунги биргина амалим эса Европадан келтирган маълумотимни ўзбек деҳқони билан ўртоқлашмоқ ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг кўтарилиши учун қолган умримни шу йўлда ўткармоқдир»².

Шундай қилиб, А.Муродий хориждаги биринчи кунларидан бошлаб Германиядаги Қишлоқ хўжалик академиясида ўқиш ва шу соҳа бўйича у ердаги илғор тажрибаларни ўрганиш билан машғул бўлади. Айни вақтда жонажон ватани билан алоқасини узмайди, Туркистонда Германияга талабалар юбориш ташаббусининг бошланиши ва шу мақсадда Тошкентда «Кўмак» жамияти (уюшмаси) нинг ташкил этилиши ҳақидаги хабарни қувонч билан кутиб олади. У бу ташаббуснинг аҳамияти ва немис илм-фанининг Туркистоннинг келгуси истиқболи учун муҳим аҳамиятга

¹ Қаранг: Наманганда ўзбекча театр. - «Садои Фарғона», 1914 йил 30 сентябрь.

² Биринчи дипломли агроном. - «Ер юзи» журнали, 1926 йил, 11-сон, 10-бет.

эгаллиги ҳақида Тошкентда чиқиб турган «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 29 июль ва 10 август сонларида эълон қилган «Германиядан хат»ларида бундай деб ёзади:

«Тошкентдан келган бир хатда Европага талаба юбормоқ учун зиёлиларнинг бир уюшмаси тузилганлигини ўқиб, теримга сиғмайдиган даражада севиндим. Бир йилдирким, Европада яшамоқдаман. Илм-маърифатда Европанинг биринчи бўлган Германия дорилфунунларида бутун дунёдан, ҳатто татарлардан ўнлаб, турклардан эса минглаб талабалар бўлгани ҳолда бизнинг Туркистондан мендан бошқа талаба бўлмаслиги юрагимни парчаламоқда, бошқаларга ҳасад сезгисини уйғотмоқда эди. Мана, сизларнинг бу хайрли, муборак ташаббусингиз йиллардан бери кулмаган кўнглимни кулдирди ва руҳимга жон берди. Сиз ҳам жон ўртоқларимнинг вазифаси Туркистондан талаба юбормоқлик эса, у талабаларни етиштирмоқ ва бу ердан сизга лозим бўлган маълумотларни бермоқ, албатта, менинг вазифамдир...

Фақат маорифда, илмда бугун немислар бутун Европада устоз ҳисобланадилар. Немисларнинг олий мактабларида юзлаб америкалик, француз ва инглизларнинг бўлишини ва бу ерга муҳандис тайёрламоқ учун бирмунча ҳайъатларнинг келиши менинг бу даъвоимни исбот этар.

Сўнгра бошқа Европа давлатларига қараганда энг яқини ҳам шудир. Шўролар ҳукуматининг Германия билан яхши алоқада бўлиши ва Германия билан шўролар Россияси орасидаги мувофиқлар яна бизни Германияга тортар. Шу сабабларга кўра, Европага юборилатурган талабаларни энг аввал Германияга юборилмоғи ҳар тўғридан ақлга мувофиқдир. Бунга мувофиқ бўлмоқ ҳам унча қийин эмас. Бизнинг ўз тилагимиз ва шўролар ҳукуматининг бу кунги сиёсати ҳам бу фикрга тўғри келади».

Шу хатдан кейин Тошкентдаги маориф ва маданиятнинг бир гуруҳ ходимлари ташаббуси билан Абдуваҳоб Муродийга кўмак уюштирилди, бунда, айниқса, миллий истиқлолимизнинг фидойилари бўлган илғор маърифатпарваримиздан Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Саидносир Миржалилов, Шокиржон Раҳимий ва бошқалар шахсий пулларидан ёрдам